Беш йилликни муддатидан илгари бажарайлик!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

22-йил чиқиши.

№ 51 (5400).

13 МАРТ ПАЙШАНБА

1975 йил.

Баҳоси 2 тийин.

ҲОСИЛДОРЛИК ОШИРИЛДИ

Ўтган юбилей йилида Фрунзе номли колхоз деҳқонлари 1 минг гектар ерга чигит экиб, юқсак кўрсаткичларга эришдилар. Ҳар гектар ердан 28,5 ўрнига 32 центнердан хирмон кўтарилди. Хўжалик аъзолари пландан ташқари 400 тоннага яқин пахта сотиб, социалистик мажбуриятларини ошиғи билан бажардилар.

Пахтакорларнинг бу йилги режалари яна ҳам улкан. Улар КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет ҳалқига Мурожаатига жавобан ҳар гектар ердан 37 центнердан ошириб хирмон кўтаришга бел боғладилар. Бир йилнинг ўзида ҳосилдорликни гектар бошига беш центнерданга ошириш уларнинг асосий шиори бўлади.

Ҳозир ҳосилдорликни оширишга алоҳида эътибор бериляпти. Ҳар гектар ерга 15—20 тоннадан ўғит солинади. Шу мақсадда махсус бригада тузилди. Бригадага 10 та трактор прицепи ва ишчи кучлари ажратиб берилди. Улар агрономнинг кўрсатмасига мувофиқ карталарга маҳаллий ўғит ташиб чиқармоқдалар. Сирож Бўрибоев, Нажим Асанов, Зокир Норов, Холмат Эргашев каби трактор-чилар ҳар куни далага етти-саккиз тоннадан ғўғ чиқаришяпти. Ариқ-зовурларни кўкламга тайёрлаш ва тракторларни ремонт қилиш ҳам қисқа вақт ичида тугалланди.

— Деҳқонларимиз,— дейди колхоз агрономи Юсуф Туртоев,— партиямиз чақириқларига амалий иш билан жавоб бериб, барча экин майдонларида мўл ҳосил етиштириш учун социалистик мусобақани кучайтириб юбордилар. Мусобақа қатнашчилари ҳосилдорликни ошириш да ишга солинмаган резервларни қидириб топмоқдалар. Биз бу йил салкам 4 минг тонна пахта етиштириб давлатга сотамиз.

В. БОБОХОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.
Янгийўл райони.

МАТБУОТ ТАРҚАТИШГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР

КОММУНИСТИК жамият қуриш йўлида шаҳдам одимлар билан олға қараб бораётган мамлакатимиз ҳаётида ҳозирги кунлар ўзгача мазмун касб этмоқда.

КПСС XXIV съезди белгилаб берган социал-иқтисодий мақсадларга тўла-тўкис эришиш, 1975 йилги ҳалқ хўжалиги планлари ва юксак социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш, тўққизинчи беш йилликни муваффақиятли якунлаш борасида мардонавор совет ҳалқи мислсиз куч-ғайрат сарфламоқда, улкан ғафарларни қўлга киритмоқда. Иқтисодий ва хўжалик вазифаларни муваффақиятли бажаришга меҳнаткашлар оммасини сафарбар этишда совет матбуоти ғоят катта роль ўйнайди.

Ахборот ва пропаганда органлари шу кунларда КПСС Марказий Комитети 1974 йил декабрь Пленумининг қарорларини бажариш, ўртоқ Л. И. Брежневнинг мазкур Пленумда сўзлаган нутқида баён этилган қонда ва хулосаларга амал қилиш, КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет ҳалқига Мурожаати, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг қарорлари асосида саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, қишлоқ хўжалиги ходимлари ўртасида социалистик мусобақани ҳар томонлама авж олдириш соҳасида актив иш олиб бормоқдалар.

Оммавий ахборот воситалари бўлмиш газета ва журналларни ҳар бир совет юнадонига ўз вақтида етказиб бериш, снёсий иқтисодий ва маданий соҳаларда эришилаётган ютуқларимиздан уларни хабардор қилиш, оммa куч-ғайратини асосий мақсадларга йўналтириш ҳамиша биринчи галдаги вазифа бўлиб қолаверади. Шу боисдан ҳам партия ва ҳукуматимиз бу масалага ҳар доим жиддий эътибор бериб, газета ва журналларни ўз вақтида етказиб бериш ишларини юқори савияда ташкил этиш муҳим снёсий аҳамиятга молик эканлигини, бу ишда партия, совет, комсомол, касаба союз ташкилотларининг, алоқа ходимлари, «Союзпечать» коллективлари, жамоатчи матбуот тарқатувчиларнинг алоҳида роль ўйнашлари кераклигини таъкидламоқдалар.

Областимиз меҳнаткашлари шу кеча-кундузда 1 миллион 375 минг нусхадан зиёдроқ газета ва журналлар оладилар. Шаҳар ва қишлоқларимизда истиқомат қилаётган онлалар 2 минг 100 номдаги турли хил нашрлар билан танишадилар. Областимизда ҳар минг кишига ўрта ҳисобда 982 нусха матбуот тўғри келишининг ўзи қувончли бир ҳолдир.

Яқинда Тошкент область партия комитетининг бюроси областда матбуот нашрларини чиқариш ва тарқатишни яхшилаш масаласини кўриб чиқди ҳамда махсус қарор қабул қилди. Қарорда таъкидланганидек, жойларда маҳаллий газеталарни ўз вақтида чиқариш ва тарқатиш юзасидан қатор тадбирлар амалга оширилган. Газета ва журналларни обуначиларга ўз вақтида етказиб бериш ишлари бир мунча яхши йўлга қўйилган.

Областимизда «Союзпечать»нинг 168 киоскаси ва магазинлари, 4300 алоқа бўлимлари, 1300 нафардан ортиқ почтальонлар матбуот тарқатиш ишлари билан шуғулланади. Шундай бўлишига қарамай айрим шаҳар, район ва корхоналарда маҳаллий матбуот нашрларини чиқариш ва тарқатишда жиддий нуқсонларга йўл қўйиб келинмоқда. Шаҳар, район ва кўптиражли газеталарни белгиланган муддатларда чиқармаслик ва обуначиларга газеталарни ўша куни етказиб бермаслик ҳоллари учраб турибди. Жумладан, Олмалиқ шаҳридаги, Бўка, Бўстонлиқ, Қуйи Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ районларидаги босмаханолар газеталарни чиқариш графикларини бузмоқдалар.

Кўпгина жойларда газета ва журналлар обуначиларга жуда ҳам кечикиб етказиб берилмоқда. Бўстонлиқ, Пискент, Оржоникидзе районларида, Тошкент шаҳрининг баъзи бир алоқа бўлимларида газета ва журналлар эгаларига иккинчи, учинчи кунлари етказиб берилмоқда. Айрим алоқа муассасаларида ишнинг бундай ташкил этилиши, матбуот тарқатишдаги пала-партишлик ҳақли равишда меҳнаткашларнинг норозилигига сабаб бўлмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот доклади юзасидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIV съездининг резолюциясида: «Съезд матбуот, радио ва телевиденининг фаолиятини янада яхшилашга катта аҳамият беради. Партия ташкилотлари оммавий ахборот ва пропаганда воситаларидан моҳирлик билан фойдаланишлари, уларнинг иши таъсирчан ва оператив бўлишини таъминлашлари, журналист ва пропагандист кадрларнинг снёсий етуклигини ва маҳоратини ошириш чораларини кўришлари лозим» деб таъкидланган.

Партиямиз съезди ва мазкур кўрсатмаларини оғишмай амалга ошириш натижасида ахборот ва пропаганда органларининг иши ғоятда сермазмун ва оператив бўлиб бормоқда. Газета ва журналларда партия ва ҳукуматимиз директивалари ёрқин тушунтирилиб берилмоқда, коммунизм қуриш проблемалари, саноат, қишлоқ хўжалиги масалалари, илғор тажрибалар, фан-техника ютуқлари, турмуш маданиятига оид сермазмун материаллар тобора кенгроқ ўрин олмоқда. Уларнинг саҳифаларида юксак бадиий руҳда ёзилган беш йиллик илғорлари, меҳнат қаҳрамонлари, дала гвардиячилари, ижодкор олимлар, мураббийчилик ҳаракатининг ташаббускорлари тўғрисида турли-туман жанрлардаги материалларни кўплаб учратиш мумкин. Бундай материаллар ўз навбатида кишиларимизни ўз соҳаларида янги-янги муваффақиятлар қозонишга руҳлантирмоқда.

Зотан шундай экан, газета ва журналларни ўз вақтида чиқариш ва тарқатиш ишларини пухта ташкил этиш — ғоят муҳим партиявий иш ҳисобланади. Жойлардаги партия, совет, комсомол ва касаба союз ташкилотлари, босмахона ҳамда алоқа корхоналарининг раҳбарлари бу соҳадаги камчиликларни тезда тугатишлари, бутун диққат-эътиборни газета ва журналларни белгиланган график асосида чиқарилишига ва обуначиларга ўз вақтида етказиб берилишига қаратмоқлари зарур. Партия халқининг ижодий куч-ғайратини ривожлантиришда, унинг снёсий ва меҳнат активлигини оширишда, ишнинг муваффақиятини таъминлашда ҳал қилувчи воситалардан энг муҳими ахборот ва пропаганда воситалари деб ҳисоблаб келди ва ҳозир ҳам шундай деб ҳисоблайди.

Шундай экан газета ва журналларни чиқариш ва тарқатиш ишларини намунали йўлга қўйилик.

ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИДА

СИНАЛГАН УСУЛ

Помидор экиладиган майдонларнинг ҳар гектарига солинадиган маҳаллий ўғит миқдори 30 тоннадан ошганда шу экиндан олинадиган ҳосил миқдори солинган ўғит миқдорига тенглашиши район хўжаликларидаги илғор бригадалар тажрибасида тасдиқланди.

Бултур ерларга меёрида маҳаллий ўғит берган «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг Собиржон Эргашев, Эътибор Ирисбекова, «Коммунист» колхозидан Фаттох Набиев, «Қизил Ўзбекистон» колхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анвар Эгамназаров, «Правда» колхозининг Мутал Зиёев бошлиқ ва бошқа кўпгина бригадаларининг аъзолари ҳар гектар ердан 35—40 тоннадан помидор ҳосили олдилар.

Беш йиллиқнинг якунловчи йилида экинлар ҳосилдорлигини янада ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш учун маҳкам бел боғлаган район хўжаликларининг сабзавоткорлари экин ерлари тупроғини маҳаллий ўғитлар билан бойитишга катта эътибор бермоқдалар. Шу кунларгача далаларга чиқарилган маҳаллий ўғит миқдори 60 минг тоннадан ошиб кетди. Бу топшириқдан қариб 7 минг тонна кўпдир.

КЎЧАТ ЎТҚАЗИШ БОШЛАНДИ

Район хўжаликларида далаларга эртаги карам кўчатлари ўтқазиш бошлаб юборилди. Бу иш айниқса Ленин номли ва «Правда» колхозларида яхши бормоқда.

Ҳар иккала хўжаликда ҳам кўчатлар сифатли ва совуққа чидамли қилиб етиштирилди. «Правда» колхозининг Нуриддин Валиев бошлиқ 1-бригадаси аъзоларининг 10 гектар ерга мўлжаллаб етиштирган кўчатлари, айниқса, сифатли бўлди. Ҳозир шу бригада даласига ўтқазилаётган кўчатларнинг 6—7 тадан барги бор, танаси паст, йўғон, барглари йирик ва илдизлари яхши ривожланган.

— Бундан кейинги барглар бош бўлиб ўрала бошлайди, — дейди бригада ҳисобчиси, тажрибали сабзавоткор Қурбонбой Аброров. — Биз Май байрами дастурхонига янги карам тақдим қилмоқчимиз.

Бригада аъзоларидан Саодат Усмонова, Ойимбуви Содиқова, Муҳаббат Маҳмудова, Турди Нурматова ва Хайриддин Низомовлар кунига нормадаги 4 минг ўрнига 5—5,5 мингдан карам кўчати ўтқазмоқдалар.

Қ. ИУЛДОШЕВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

Оржоникидзе район хўжаликларида эртаги сабзавот экинларини экишга киришилди. Ленин номли колхоз далаларида ҳам сабзавот экиш қизғин олиб борилмоқда. Суратларда: (чапдан) тажрибали сабзавоткорлардан З. Фахриддинов, Ҳ. Норинбоев, С. Мамараҳимов ўртоқлар теплицада тайёрланган карам кўчатларини экиш учун ҳозирламоқдалар. Далада карам кўчати экиш. Ерни кўчат экишга тайёрлашмоқда.

А. Абалян фотолари.

Тошкентдаги «Учқун» тўқимачилик галантерияси фирмаси 1-филиалининг коллективи 1975 йилда 2,5 миллионга яқин шойи, атлас, капрон ва штапель рўмолларни ишлаб чиқаришга аҳд қилган. Суратда: филиалнинг рўмол тикувчи пешқадам чеварларидан (чапдан) А. Шугайло, Ҳ. Маннонова, В. Обухова, Р. Соатова ва О. Шоматовалар маҳсулот сифатини кўздан кечиришяпти.

М. Нуриддинов фотоси.

СУРЪАТ ЖАДАЛЛАШМОҚДА

«Ўзтрансспецстрой» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Октябрь 50 йиллиги» номли Қўйлиқ асфальт-бетон заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари сўнгги икки беш йиллик давомида давлат планлари ва социалистик мажбуриятларини мунтазам ортиғи билан адо этиб келмоқдалар.

Айниқса, ўтган йилги қўлга киритилган ютуқлар қувончли бўлди. Илғор корхона коллективи 26 декабрда тўққизинчи беш йиллик планини тўла адо этганлиги ҳақида ғалаба рапортига имзо чекди. Ўтган давр мобайнида планга қўшимча 2 миллион сўмликдан зиёд товар маҳсулотлари ишлаб чиқарилди ва реализация қилинди.

Белгиловчи йилда ҳам социалистик мусобақа шарофати туфайли жами 6 миллион 920 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, йиллик план 112,3 процент қилиб бажарилди. Бундай юқори кўрсаткичга эришишда алоҳида жонбозлик кўрсатган ишчилардан Р. Ляпин ҳамда Н. Тимаевалар «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотландилар. Кўплаб ёш ишчиларни тарбиялаб, илғорлар сафига олиб чиққан бригада бошлиғи А. Солидов, токарь И. Сиднев энг яхши мураббий деб топилди.

Цех, участка ва бригадалар ўртасида ташкил этилаётган социалистик мусобақа ҳам ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатаётир. Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Комил Алимбоев раҳбарлик қилаётган Чирчиқ асфальт-бетон цехи коллективи бир неча йилдан буён йиллик ишлаб чиқариш планларини 140 процентдан ошириб бажаришга эришаётир.

Цех коллективи бу йил ҳам ўзаро социалистик мусобақада пешқадамлик қилаётир. Улар ярим йиллик планни Буюк ғалабанинг 30 йиллиги кунигача бажаришга, йиллик планни эса октябрь байрами кунигача тўла адо этишга аҳд қилишган.

Виктор Газаев раҳбарлик қилаётган ремонт-механика цехи ҳам умумколлектив ютуғига баракали ҳисса қўшиб келаётир. Шу цехда баракали меҳнат қилаётган бригада бошлиғи Марат Турсунов, М. Ковалевлар, Н. Минева, И. Климов, К. Низомиддинов, А. Сорокин каби завод машъаллари сафидан ўрин олишган.

Учинчи беш йиллик ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқараётган завод коллективи бу йил ҳам ўз зиммасига юксак социалистик мажбурият қабул қилган. Айни кунларда улар планга қўшимча 200 минг сўмлик асфальт-бетон реализация қилиш ҳаракатидалар. Завод коллективи январь ойида пландан ташқари 15 минг сўмлик товар маҳсулоти реализация қилган бўлса, февраль ойида бу кўрсаткични 30 минг сўмга етказишга муваффақ бўлди.

Қ. ТУЛЕБОВ.

ВЕТЕРАНЛАР ТАШАББУСИ

Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг кўп миллатли меҳнатсевар коллективи тўққизинчи беш йиллиқнинг белгиловчи йилида қизғин авж олган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида юқори меҳнат кўрсаткичларига эришиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ҳамда ВЛКСМ Марказий Комитетининг Кўчма Қизил байроғини қўлга киритган эди.

Байроқдор корхона ишчилари якунловчи йил учун олинган юксак социалистик мажбуриятларни ҳам муваффақиятли бажариб, Кўчма Қизил байроқни ўз қўлида сақлаб қолиш учун социалистик мусобақани янада қизғин авж олдирмоқдалар. Комбинатнинг мис-бойитиш фабрикаси ишчилари «Якунловчи йилда кам ҳаражат билан кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқарамиз» шиори остида зарбдор меҳнат вахтасини қизғин давом эттирмоқдалар.

Фабрикада ҳар бир цех, участка, бригада ва алоҳида ишчилар ўртасида социалистик мусобақа шартлари ишлаб чиқилган. Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Виктор Валякин етакчилик қилаётган асосий корпус цехи коллективи юксак кўрсаткичларга эришиб, мусобақаларда мунтазам пешқадамлик қилаётир.

— Якунловчи йил мусобақасида,— дейди В. Валякин,— Улуғ Ватан уруши ветеранлари пешқадамлик қилмоқдалар. Совет Иттифоқи Қаҳрамони Леонид Георгиевич Бабушкинни фабрикадагина эмас, бутун Олмалиқ шаҳрида яхши танишади. У 14 йилдан бери баракали меҳнат қилиб келади. У етакчилик қилаётган флотаторлар бригадаси ҳозир 1976 йил ҳисобига маҳсулот бераётир. Шунингдек, Улуғ Ватан уруши ветеранларидан тегирмон цехининг машинисти А. Асташова, ремонтчи слесарлар П. Требухов, Н. Миронов, смена технологи В. Громилов, цехнинг бош механиги В. Гонинлар ҳам кўп ва сифатли маҳсулот тайёрлашда пешқадамлик қилмоқдалар.

О. ХУШНАЗАРОВ.

КЎКЛАМ ТАРОНАСИ

Далаларда баҳор нафаси кезарди. Баҳор тароналарини куйлаётган бедор қушларнинг нағмалари эшитиларди. Далалар нақадар кўркам, деҳқонни ўзига чорлайди.

Мана Ўрта Чирчиқ районидаги Карл Маркс номли колхоз далалари. Чор атрофда одамлар, кенг далаларга илк бор чиқиб меҳнат қилаётган колхозчилар, механизаторлар меҳнат қўчоғида. Улар айни кунларда тўла гектарлар ҳосил қилиш учун қураш бошлаб юборгандилар. Эски ариқлар, уватлар, йўл ёқаларидаги 4—5 метр бефойда ётган ерларни экин майдонларига айлантириш учун механизаторлар, колхозчилар астойдил меҳнат қилишмоқда.

Ана ғайратли механизатор йўл бўйида қотиб кетган бўмбўш ётган ерларни чизиллаб юмшатмоқда. Ундан нарида карта ўртасида бульдозер ва скрепер ишламоқда. Мотор овозлари гуриллаб атрофга таралади. Улардан бири эски ариқ ўрнини ва ариқ бўйида чим босиб ётган уватларни суриб ер текислаб боради.

Далаларда баҳор нафаси кезмоқда. Ҳамма илк баҳор нашъасини суриб ҳаракатга тушиб қолган. Далаларда колхозчиларнинг ариқ-зовур тозалаётганларини, пайкалларга ғўғ сочаётганларини, айрим ерларда чигит экишгача ер текислаш ишларини бошлаб юборилганини кўрасиз. Деҳқонлар кўклам экин кампаниясига шайланмоқда. Улар тўққизинчи беш йиллиқнинг ҳал қилувчи йилида баракали хирмон кўтариб янги марраларни эгаллаш учун интилмоқдалар.

Оққўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли колхоз аъзолари ҳам кўклам тараддуди билан банд. Бултур бу колхоз пахтакорлари ҳар гектар ердан 39,9 центнердан ҳосил кўтариб колхоз тарихида энг юқори кўрсаткичга эришган эдилар. Ана шу ғалабадан руҳланган колхозчилар КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет ҳалқига қилган Мурожаатига жавобан тўққизинчи беш йиллиқнинг ҳал қилувчи йилида ҳосилдорликни 45 центнерга етказиш учун аҳду-паймон қилганлар. Шу мақсадда барча колхозчилар яқдил бўлиб кўклам экин кампаниясига астойдил тайёрланмоқдалар.

Колхознинг янги устахонасида ҳайдов, чопиқ тракторлари, сеялкалар, бароналар саф тортиб турибди. Колхоз механизаторлари 13 та ҳайдов, 20 та чопиқ трактори, 16 сеялка ва бошқа механизмларни ремонтдан чиқариб, тахт қилиб қўйганлар.

Колхозда бу йил барча майдонга 90 схемасида «Тошкент-1» навли чигит экилади. Зарур бўлган уруғлик чигит келтириб қўйилган. Бу колхоз аъзолари янгидан беда экиши ва силос ҳамда дон учун маккажўхори экишга тайёрлик ишларини бошлаб юборганлар. Планга мувофиқ 30 гектар эски беда бузилиб, 59 гектар ерга янгидан беда экилиши лозим. Ҳозиргача 55 гектар ерга беда экиб қўйилди. 60 гектар ерга дон, 60 гектар ерга силос учун эртароқ макка экишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Бундан ташқари карта четларига 45 минг туп тут кўчати ўтқазилди. Уватлар ва эски йўллар ҳисобига 6 гектар ер ўзлаштирилиб, экин майдонига айлантирилди.

— Биз кўклам экиш кампаниясига тайёрмиз. Чигит экиш пайти бошланиши билан бу ишни 6 иш кунида тўла-тўкис бажарамиз, — дейди колхоз раиси Хасанбой Эргашев.

Ҳа, далаларда ана шундай жўшқин меҳнат бошланиб кетди.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети адабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги Ленин мукофоти ва СССР давлат мукофоти комитетининг илтимосини қараб чиқиб, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги адабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги Ленин мукофоти ва СССР давлат мукофоти комитетига ажратилган мукофотлар ёнига яна беш СССР давлат мукофоти қўшиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИЛҒОРЛАРИНИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

1974 йилда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш бўйича Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган муваффақиятлари ҳамда халқ хўжалик планлари ва зиммага олинган мажбуриятларни бажаришда кўрсатган шарафли меҳнати учун **мукофотлансин:**

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Аҳмедова Шойгул — Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхозининг колхозчиси.

Ашурова Гулшан — Оҳангарон районидаги Серго номли совхознинг сут соғувчиси.

Бобоқулова Норҳол — Бўка районидаги Ҳамза номли колхознинг колхозчиси.

Бегматова Ҳуррият — Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозининг колхозчиси.

Беркинбоев Қолдибой — Ўрта Чирчиқ районидаги Калинин номли совхозниг ишчиси.

Беллаов Сейдамет Селямиевич — Оржоникидзе районидаги «Қибрай» совхозининг бригадири.

Буватоев Ўктам — Оржоникидзе районидаги «Химик» совхозининг тракторчиси.

Бўронбоев Рисбой — Оҳангарон районидаги от заводнинг бригадири.

Бўронова Кумуш — Чиноз районидаги «Москва» колхозининг колхозчиси.

Ғафуров Иномали — Оҳангарон районидаги «Октябрь» совхозининг бош чўпони.

Гулмамедов Сайфи — Пискент районидаги 2-«Пискент» совхозининг бригадири.

Гусаков Николай Иванович — Чиноз районидаги «Чиноз» наслчилик совхоз-техникумининг директори.

Дадабоев Дониш — Бекобод районидаги 2-«Далварзин» совхозининг бригадири.

Жиянбоев Ҳасан Глангирқулович — «Ўзсельхозтехника» Ўрта Чирчиқ район бирлашмасининг бошқарувчиси.

Жиянбекова Дариха — Бўка районидаги Фрунзе номли колхознинг колхозчиси.

Дуйсенов Эламас — Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг бригадири.

Душабоева Инобат — Янгийўл районидаги Ленин номли колхознинг колхозчиси.

Жуматоева Тожи — Бўка районидаги Ильич номли колхознинг колхозчиси.

Зоиров Эрубой— Оққўрғон районидаги «Ленинизм» колхозининг сувчиси.

Зейниев Ҳамза — Пискент районидаги 1-«Пискент» совхозининг механизатори.

Иванова Ольга Васильевна — суғориш системалари Янгийўл район бошқармасининг Чортақшох гидроучасткаси сув назоратчиси.

Изатов Саит — Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг ўқув хўжалиги бригадири, Ўрта Чирчиқ райони.

Исломов Деҳқон — Бўстонлиқ районидаги «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхозининг раиси.

Кан Алексей Иванович — суғориш системалари Қуйи Чирчиқ район бошқармасининг участка гидротехниги.

Қорибоева Гулжаҳон — Қуйи Чирчиқ районидаги «Заря коммунизма» колхозининг колхозчиси.

Каримов Абдукарим — Оржоникидзе районидаги «Правда» колхозининг колхозчиси.

Каримов Қодир — Ўрта Чирчиқ районидаги «Коммунизм» колхозининг колхозчиси.

Қосимов Қўроқ — «Ўзсельхозтехника» Бўстонлиқ район бирлашмасининг токари.

Қосимов Умарқул — Пискент районидаги 1-«Пискент» совхозининг бригадири.

Катаманов Эскендер Ибрагимович — Қуйи Чирчиқ районидаги Ўзбекистон ССР беш йиллиги номидаги совхознинг бўлим бошқарувчиси.

Кенжаева Мария — Бекобод районидаги Ойбек номли совхознинг ишчиси.

Кешфиддинов Энвер — Оҳангарон районидаги от заводининг бригадири.

Ким Петр Николаевич — Қуйи Чирчиқ районидаги «Победа» колхозининг молбоқари.

Ким Мария Ивановна — Қуйи Чирчиқ районидаги Ленин номли колхоз бригадири.

Ким Сян-Гим — Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Ҳва номли колхознинг колхозчиси.

Козлова Валентина Петровна — Қуйи Чирчиқ районидаги Киров номли колхознинг колхозчиси.

Кокоулина Софья Ивановна — Калинин районидаги «Ўзбекистон» паррандачилик фабрикасининг бригадири.

Колонов Абдураим — Ўрта Чирчиқ районидаги партия XXII съезди номли колхознинг бош агрономи.

Қўрғонов Турсунбой — Оржоникидзе районидаги «Октябрь» колхозининг бригадири.

Қўшматова Тожи — Оққўрғон районидаги партия XXII съезди номли колхознинг колхозчиси.

Лекомцев Геннадий Афанасьевич — Ўрта Чирчиқ районидаги «Сергели» совхозининг ишчиси.

Ли Николай Данилович— Қуйи Чирчиқ районидаги «Заря коммунизма» колхозининг агрономи.

Мадраҳимова Дариха — Янгийўл районидаги Ҳ. Турсунқулов номли колхознинг колхозчиси.

Маматойирова Ҳайри — Оҳангарон районидаги Ворошилов номли совхознинг сут соғувчиси.

Маъмурова Тўти — Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхознинг колхозчиси.

Мансуров Турон — Бекобод районидаги «Ленинград» совхозининг бригадири.

Матасимов Сайдулла — Оҳангарон районидаги «Октябрь» совхозининг бўлим бошқарувчиси.

Маҳкамова Ҳанифа — Калинин районидаги Куйбишев номли колхознинг колхозчиси.

Маҳмудов Пошшоали — Оққўрғон районидаги Навоий номли колхознинг звено бошлиғи.

Маҳмудов Тоштемир — Қуйи Чирчиқ районидаги «Москва» колхозининг звено бошлиғи.

Маҳсумов Асом — меҳнаткашлар депутатлари Оржоникидзе район Совети ижроия комитетининг раиси.

Мирахмедов Абдуҳамид — Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз бригадири.

Мирбобоева Ҳайриниса — Бекобод районидаги 3-«Далварзин» совхозининг ишчиси.

Мирзаев Нозим — Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозининг бригадири.

Мирзаева Чаман — Бўка районидаги Тимирязев номли колхознинг колхозчиси.

Мирзақулова Жангишой — Бўка районидаги «Коммунизм» колхозининг колхозчиси.

Муллажонов Мутал — Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз механизатори.

Муроткосимова Улбўсин — Оққўрғон районидаги Навоий номли колхознинг колхозчиси.

Муротова Миниса — Калинин районидаги Оржоникидзе номли колхознинг сут соғувчиси.

Мусаев Абдусаттор — Бекобод районидаги 3-«Далварзин» совхози партия комитетининг секретари.

Мусаев Қаҳҳор Мустафоевич— Калинин районидаги «Қорасув» совхозининг бригадири.

Мусурмонова Нишонгул — Пискент районидаги Ленин номли колхознинг колхозчиси.

Мусралиева Бувиниса— Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг колхозчиси.

Назаров Толип — Бўстонлиқ районидаги «Правда» газетасининг 50 йиллиги номли совхозининг директори.

Нам Василий— Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхозининг слесари.

Норматов Жўрабой — Калинин районидаги Ленин номли колхознинг бригадири.

Насриддинов Ҳайдар — Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоз звено бошлиғи.

Неъматов Абдуманноб — Пискент районидаги Свердлов номли колхоз бригадири.

Нормуротов Тошим — Бўка районидаги «Ленин йўли» колхозининг сувчиси.

Нуров Нормат — Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинобод» колхозининг тракторчиси.

Нурунбетов Омон — суғориш системалари Ўрта Чирчиқ район бошқармасининг гидротехниги.

Орзиқулова Қуралай — Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг колхозчиси.

Орипов Ҳусан — Калинин районидаги теплица комбинатининг бош агрономи.

Пайзиев Дали — Юқори Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхознинг колхозчиси.

Пак Василий Карпович — Меҳнаткашлар депутатлари Оҳангарон район совети ижроия комитетининг қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғи.

Панченко Леонид Тимофеевич — Ўзбекистон Компартияси Бекобод район комитетининг секретари.

Пайсенова Каромат — Чиноз районидаги Навоий номли колхознинг сут соғувчиси.

Парнабоева Насибали Алимбоевна—Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли колхознинг колхозчиси.

Пирматова Ҳосият — Оққўрғон районидаги «Коммунизм» колхозининг колхозчиси.

Поливода Вера Фёдоровна — чорвачилик илмий текшириш институти «Красний водопад» тажриба базасининг сут соғувчиси, Оржоникидзе райони.

Пўлатов Маҳкам — Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози раисининг ўринбосари.

Пўлатова Умсин — Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхознинг колхозчиси.

Раҳимжонов Собир — Чорвачилик илмий текшириш институти «Красний водопад» тажриба базасининг бригадири, Оржоникидзе райони.

Раҳмонов Абдуқаҳҳор — Пискент районидаги Калинин номли колхознинг звено бошлиғи.

Раҳмонов Султон — Оққўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли колхознинг бош агрономи.

Раҳматова Саодат — Чиноз районидаги С. Раҳимов номли колхознинг колхозчиси.

Раҳматуллаева Кипри — Бўстонлиқ районидаги «Ленинград» колхозининг колхозчиси.

Раҳматуллина Сауя — Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхознинг колхозчиси.

Рем Син Ман — Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг бош бухгалтери.

Содиқов Дароб — Бўка районидаги «Бўка» совхозининг бош инженери.

Сандов Абдужалил — Бекобод районидаги «Октябрь 46 йиллиги» совхозининг бригадири.

Сайпова Энажон — Пискент районидаги 2-«Пискент» совхозининг сут соғувчиси.

Салаева Мулкия — Янгийўл районидаги «Интернационал» колхозининг колхозчиси.

Сарибоев Исмат — Пискент районидаги «Гулистон» колхозининг звено бошлиғи.

Сковородина Зинаида Николаевна — Пискент районидаги 1-«Пискент» совхозининг ишчиси.

Стрижнёв Станислав Иванович — Ўзбекистон Компартияси Оржоникидзе район комитетининг иккинчи секретари.

Суғурбоев Анорқул — суғориш системалари Янгийўл район бошқармасининг Чортақшоҳ гидроучасткаси техниги.

Султонқулов Мўминжон — Бекобод районидаги 1-«Далварзин» совхозининг бош инженери.

Султонова Меҳри — Чиноз районидаги Энгельс номли колхознинг колхозчиси.

Сидиқов Тўлан — Бўстонлиқ районидаги Фрунзе номли колхоз партия ташкилотининг секретари.

Тошхўжаев Ботир Содиқович— меҳнаткашлар депутатлари Калинин район Совети Ижроия комитетининг раиси.

Тўраев Қанғилбой — Чиноз районидаги Янгиобод совхозининг бригадири.

Турдибоева Турдиниса — Ўрта Чирчиқ районидаги А. Икромов номли колхознинг колхозчиси.

Тўхтаев Парпи — Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли колхознинг бош агрономи.

Умарова Мукаррам — Бўстонлиқ районидаги Ҳожикент совхозининг сут соғувчиси.

Умарова Норбуви — Бекобод районидаги Навоий номли колхознинг сут соғувчиси.

Ўнтаев Болтабек — Оққўрғон районидаги Калинин номли колхознинг звено бошлиғи.

Ҳожиев Чинпўлат — Оққўрғон районидаги Охунбобоев номли колхознинг колхозчиси.

Ҳайдарова Мақсад — Бекобод районидаги 4-«Далварзин» совхозининг ишчиси.

Ҳамроева Зулфия Оҳназаровна — Оққўрғон районидаги партия XXII съезди номли колхознинг колхозчиси.

Ҳамроева Қаршигул — Бўка районидаги «Ленинобод» колхозининг колхозчиси.

Хан Павел — «Ўзсельхозтехника» Қуйи Чирчиқ район бирлашмасининг аккумуляторчиси.

Ҳасанбоева Раҳбар — Пискент районидаги Тельман номли колхознинг колхозчиси.

Ҳошимова Карима — Янгийўл районидаги Свердлов номли совхоз ишчиси.

Хўжамқулова Уркия — Янгийўл районидаги Фрунзе номли колхознинг колхозчиси.

Холмуродов Рустам — Бекобод районидаги Ойбек номли совхознинг бригадири.

Худобоева Замира — Оққўрғон районидаги Вотинцев номли колхознинг сут соғувчиси.

Худойбердиева Саломат — Пискент районидаги Охунбобоев номли колхознинг колхозчиси.

Хўжаахмедова Раҳима — картошка, сабзавот ва полиз экинлари илмий-текшириш институтининг тажриба базаси ишчиси, Калинин райони.

Хусанов Марс — Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхознинг механизатори.

Чегабоев Султонмурод — Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номли совхоз партия комитетининг секретари.

Чен Чирсен — Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг бригадири.

Шайкатарова Сония — Оҳангарон районидаги «Ангрен» совхозининг чўчқабоқари.

Шахов Сулеймон — Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз механизатори.

Шек Валентин Фёдорович — меҳнаткашлар депутатлари Қуйи Чирчиқ район Совети ижроия комитетининг раиси.

Шерматов Аҳмад — Бекобод районидаги «Коммунизм» колхозининг бригадири.

Шерназарова Суймаҳол — Оққўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли колхознинг колхозчиси.

Эгамбердиева Рихси — Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг колхозчиси.

Эгамбердиева Турсуной — Бўка районидаги «Ленинизм» колхозининг колхозчиси.

Эшонхонова Зулфия — Оҳангарон районидаги С. Раҳимов номли совхознинг звено бошлиғи.

Эшматов Эргаш — Юқори Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон» колхозининг механизатори.

Йўлдошев Юсуфжон — Янгийўл районидаги Ҳ. Турсунқулов номли колхознинг колхозчиси.

Юсупова Замира — Оржоникидзе районидаги «Правда» колхозининг колхозчиси.

III ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Абдибоев Есиркеп — Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхознинг колхозчиси.

Абдусатторова Орзихон — Янгийўл районидаги У. Юсупов номли аграр саноат бирлашмасининг ишчиси.

Абдураимов Сапарали — Бўка районидаги Мичурин номли колхоз тракторчиси.

Абдурахмонов Абдуқаюм — Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозининг бригадири.

Абдурахмонов Абдусалим — Юқори Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон» колхозининг бригадири.

Абдусатторов Абдуғани — Оққўрғон районидаги партия XXII съезди номли колхоз бригадири.

Оғабоев Обидбек — Чиноз районидаги Жамбул номли совхознинг бош чўпони.

Одилов Ооид Еқубович — Юқори Чирчиқ районидаги «Гулистон» колхозининг колхозчиси.

Айтимбетов Ашимбек — Калинин районидаги Охунбобоев номли совхознинг бош чўпони.

Оқбўтаева Турсун — Қуйи Чирчиқ районидаги Дмитров номли колхознинг колхозчиси.

Акмалова Дилбар — Бўстонлиқ районидаги «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхозининг сут соғувчиси.

Алданов Турғунбой — Оққўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли колхоз механизатори.

Алиев Афлат — Бўка районидаги «Ленин йўли» колхозининг сувчиси.

Алишонова Марваста — Ўрта Чирчиқ районидаги партия XXII съезди колхозининг колхозчиси.

Алманбетова Фотима— Бўстонлиқ районидаги «Қизилту» колхозининг чўпони.

Алматов Шоди — Оҳангарон районидаги Ворошилов номли совхоз тракторчиси.

Асроров Насриддин — Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз бригадири.

Аҳмедов Мустафо — Оққўрғон районидаги Вотинцев номли колхоз бригадири.

Аҳунжонова Хурсан — Қуйи Чирчиқ районидаги Ўзбекистон ССР беш йиллиги номли совхоз ишчиси.

Бойбўлова Ханифа — Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз сут соғувчиси.

Бойбўтаев Эргаш — Оққўрғон районидаги Куйбишев номли колхоз сувчиси.

Бойназров Қулахмат — Бўка районидаги «Бўка» совхозининг сувчиси.

Баратов Сарсенбой — Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз бригадири.

Баратов Юсуфали — Оҳангарон районидаги от заводининг бош чўпони.

Баширов Саадий Умарович — «Ташсоблмелиоводстрой» трести 2-кўчма механизациялаштирилган колоннасининг ишчиси.

Биналиев Илҳом — Чиноз районидаги «Қизил октябрь» колхозининг шофёри.

Вафина Гулжон Султоновна — «Ташсоблмелиоводстрой» трести 2-кўчма механизациялаштирилган колоннасининг ишчиси.

Газизов Нажот Абдуллаевич— Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозининг механизатори.

Глуховцев Пётр Александрович Қуйи Чирчиқ районидаги Ўзбекистон ССР беш йиллиги номли совхоз бригадири.

Гребенюк Лидия Ивановна — Тошкент қишлоқ хўжалиги институти Киров номли ўқув хўжалигининг чўчқабоқари, Ўрта Чирчиқ райони.

Давронова Аширгул — Чиноз районидаги «Янгиобод» совхозининг ишчиси.

Дё Александра — Бекобод районидаги «Октябрь 46 йиллиги» совхозининг ишчиси.

Денисова Мария Фёдоровна — Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхозининг сут соғувчиси.

Детин Михаил Порфирьевич — Чиноз районидаги «Олмазор» совхозининг бригадири.

Джадигарова Равшан — Қуйи Чирчиқ районидаги Киров номли колхознинг колхозчиси.

Жамолов Турғун — Калинин районидаги «Москва» колхозининг бригадири.

Йилқибоева Ҳабиба — Оржоникидзе районидаги «Октябрь» колхозининг сут соғувчиси.

Жиянбоев Ортиқбой — Оққўрғон районидаги Калинин номли колхоз бригадири.

Жуманов Олим — Бўстонлиқ районидаги Чирчиқ ўрмон хўжалигининг бригадири.

Эшонқулов Омон — Оржоникидзе районидаги колхозлараро мол-бўрдоқичилик базасининг ишчиси.

Зокиров Билол — Юқори Чирчиқ районидаги «Паркент» совхозининг ишчиси.

Зоҳидов Акрам — Калинин районидаги «Ленин йўли» колхозининг бригадири.

Зекиряев Энвер — Чиноз районидаги «Чиноз» наслчилик совхоз-техникумининг тракторчиси.

Зимина Нина Ивановна — Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номли совхоз ишчиси.

Зиябеков Қобил — Қуйи Чирчиқ районидаги «Победа» колхозининг колхозчиси.

Зуфаров Миновар — Калинин районидаги партия XX съезди номли колхоз бригадири.

Иброҳимов Маҳамаджон — «Ўзсельхозтехника» Янгийўл район бирлашмасининг автопогрузчик ҳайдовчиси.

Иброҳимова Ҳадича — Пискент районидаги 2-«Пискент» совхозининг ишчиси.

Искандарова Гулистон — Пискент районидаги 2-«Пискент» совхозининг ишчиси.

Исломов Мустафо — Пискент районидаги 1-«Пискент» совхозининг бригадири.

Исмонова Гулнора — Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг колхозчиси.

Исроилов Имом — Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозининг сувчиси.

Қобулов Усмон — Қуйи Чирчиқ районидаги «Москва» колхозининг бригадири.

Қозоқбоева Меҳри — Калинин районидаги Ленин номли колхоз сут соғувчиси.

Камолов Қўзибой — Пискент районидаги 2-«Пискент» совхозининг сувчиси.

Камолов Одил — Пискент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг бригадири.

Каримов Зенур — Калинин район ўсимликларни ҳимоя қилиш ишлаб чиқариш отрядининг тракторчиси.

Каримова Шаҳодат — Чиноз районидаги «Москва» колхозининг колхозчиси.

Қаюмова Мухтабар — Ўрта Чирчиқ районидаги Николаева-Терешкова номли колхознинг колхозчиси.

Кенжаева Ҳадича — Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхозининг колхозчиси.

Ким Валентин Прохорович— Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг бригадири.

Ким Николай — Оҳангарон районидаги «Ангрен» совхозининг бригадири.

Коробов Гаврил Максимович— Қуйи Чирчиқ районидаги Ленин номли колхознинг колхозчиси.

Қосимова Ҳожима — Бўка районидаги партия XX съезди номли колхознинг колхозчиси.

Қубасаров Бўри — Чиноз районидаги С. Раҳимов номли колхоз паррандабоқари.

Қўзанбоева Садап — Оққўрғон районидаги «Ленинизм» колхозининг колхозчиси.

Қурбонов Рисбой — Бўстонлиқ районидаги Карл Маркс номли колхоз тракторчиси.

Қўчқорова Ҳожар — Пискент районидаги Калинин номли колхознинг сут соғувчиси.

Қўшоқов Усим — Оҳангарон районидаги «Оҳангарон» совхозининг тракторчиси.

Маднёров Кенжа — Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхознинг сувчиси.

Маматқулов Ҳолиқ — Бекобод районидаги «Победа» колхозининг бригадири.

Маннопов Паттох — Юқори Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоз тракторчиси.

Масолиева Ирисбуви — Оҳангарон районидаги «Оҳангарон» совхозининг ишчиси.

Матмусаева Раҳима — Калинин районидаги Қорасув совхозининг ишчиси.

Маҳкамов Шукрилла — Оржоникидзе районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг бригадири.

Маҳмудов Мақсуд — Оржоникидзе районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг бригадири.

Маҳмудова Гулгаз — Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг колхозчиси.

Маҳрамов Кўчали — Янгийўл районидаги Калинин номли колхознинг звено бошлиғи.

Милёзова Гулётар — Пискент районидаги Тельман номли колхознинг колхозчиси.

Миранмова Альбина Георгиевна — «Ўзбекгидроэнергострой» трести ишчилар таъминоти бошқармаси ёрдамчи хўжалигининг ишчиси.

Мирзабекова Ортиқой — Оҳангарон районидаги от заводининг сут соғувчиси.

Мирзагелдиева Шарифа — Чиноз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг колхозчиси.

Мирзаева Шарофат — Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номли совхознинг ишчиси.

Мирзаахмедов Эргаш — Бўстонлиқ районидаги Ҳожикент совхозининг бригадири.

Мирҳамитов Тўрабой — «Ўзсельхозтехника» Бўстонлиқ район бирлашмасининг шофёри.

Мусабекова Оқила — Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозининг колхозчиси.

Мусаев Нусрат — Бўка районидаги Карл Маркс номли колхознинг ферма мудири.

Мустафақулова Ҳожар — Бекобод районидаги «Победа» колхозининг сут соғувчиси.

Неустроев Петр Гаврилович — Бекобод районидаги «Ленинград» совхозининг механизатори.

Оқбоев Чиниибек — Пискент районидаги Ленин номли колхознинг сувчиси.

Пак Обон — Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз тракторчиси.

Пак Роман Андреевич — Қуйи Чирчиқ районидаги Ленин номли колхознинг ферма мудири.

Паршиев Мирҳожи — Бекобод районидаги 4-«Далварзин» совхозининг механизатори.

Пирманова Турдигул — Оққўрғон районидаги Вотинцев номли колхознинг колхозчиси.

Просёлкова Зинаида Ивановна — Пискент районидаги Вахрушчев номли совхознинг сут соғувчиси.

Пягай Мария — Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Ҳва номли колхознинг колхозчиси.

Ражабов Оққул — Қуйи Чирчиқ районидаги Ўзбекистон ССР беш йиллиги номли совхознинг звено бошлиғи.

Розиқова Нозикой — Бекобод районидаги 1-«Далварзин» совхозининг ишчиси.

Расулова Ҳолбу — Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхозининг колхозчиси.

Рўзиев Мақсудали — Бўка районидаги «Бўка» совхозининг бригадири.

Рўзиев Эмин — Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номли совхознинг бригадири.

Рустамов Йулдош — Чиноз районидаги Карл Маркс номли колхоз механизатори.

Собиров Зоҳит — «Ўзсельхозтехника» Чиноз район бирлашмасининг слесари.

Саева Валентина Устиновна — Оржоникидзе районидаги Тошкент паррандачилик фабрикасининг паррандабоқари.

Сазонова Елена Фёдоровна — Ўрта Чирчиқ районидаги «Сергели» совхозининг чўчқабоқари.

Сайдуллаев Жўра— Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг звено бошлиғи.

Соқиева Маҳбуба — Бекобод районидаги 1-«Далварзин» совхозининг ишчиси.

Салимбоева Мамлакат — Калинин районидаги партия XXI съезди номли совхознинг ишчиси.

Самигулина Фотима— Пискент районидаги Вахрушчев номли совхознинг ишчиси.

Сарсенбеков Рисбек — Чиноз районидаги Энгельс номли колхоз бригадири.

Сафарова Ҳосият — Бўка районидаги Тимирязев номли колхознинг колхозчиси.

Сейдалиев Умер — Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхозининг бульдозер машинисти.

Сейналиев Айтжон— Бўка районидаги «Кўкорол» совхозининг молбоқари.

Серекбаева Карамал — Оржоникидзе районидаги «Қибрай» совхозининг ишчиси.

Сиргабоев Одил — Қуйи Чирчиқ районидаги космонавт Волков номли совхоз бригадири.

Смирнова Вера Ивановна — Оққўрғон районидаги Оққўрғон совхозининг чўчқабоқари.

Султонов Миляс — Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти ўқув хўжалигининг бригадири, Ўрта Чирчиқ райони.

Султонова Ҳадича — Бўка районидаги Жамбул номли колхознинг колхозчиси.

Суюнова Қиммат — Бекобод районидаги «Победа» колхозининг колхозчиси.

Тоғаев Жолгасбек — Юқори Чирчиқ районидаги Карл Маркс номли колхоз слесари.

Тожибоев Насриддин — Пискент районидаги Свердлов номли колхоз бригадири.

Тожибоев Ҳайдар — Бўка районидаги партия XIX съезди номли колхознинг колхозчиси.

Тошматова Шакар Сайдақовна — Қуйи Чирчиқ районидаги колхозлараро бўрдоқичилик базасининг ишчиси.

Тен Гимок — Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхозининг колхозчиси.

Тойлибоев Эршибой Серикбоевич — Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь» колхозининг молбоқари.

Тойлибоев Қувондиқ — Бўстонлиқ районидаги Фрунзе номли колхоз бригадири.

Топтун Федор Ефимович — Янгийўл районидаги «Интернационал» колхозининг тракторчиси.

Тугалова Ортиқой — Бекобод районидаги 3-«Далварзин» совхозининг ишчиси.

Тўраева Муқат — Бўстонлиқ районидаги Калинин номли колхоз бригадири.

Тўраева Сора — Оҳангарон районидаги С. Раҳимов номли совхознинг сут соғувчиси.

Турғунбоев Бурунбой — суғориш системалари Ўрта Чирчиқ район бошқармаси гидроиншоотининг назоратчиси.

Турғунбоева Муҳтарам — Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозининг колхозчиси.

Турғунова Турдихон — Янгийўл районидаги Жданов номли колхознинг колхозчиси.

Турғунова Ўлдаш — Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхозининг колхозчиси.

Турдибоева Анор — Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозининг колхозчиси.

Турсунқулова Қарши — Оҳангарон районидаги «Ангрен» совхозининг ишчиси.

Турсунова Шарофат — Юқори Чирчиқ районидаги Калинин номли колхознинг сут соғувчиси.

Тўхтаназарова Ҳолбуви — Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг колхозчиси.

Туёқова Ҳидоят — Чиноз районидаги Навоий номли колхознинг колхозчиси.

Убайдуллаев Пайсенбой — Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз тракторчиси.

Умбетов Қудрат — Пискент районидаги 2-«Пискент» совхозининг звено бошлиғи.

Умбетова Ҳадича— Чиноз районидаги Киров номли колхознинг колхозчиси.

Умурзоқов Ҳайдар — Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинобод» колхозининг бригадири.

Умурзоқова Сулкат — Янгийўл районидаги Н. Ниёзов номли колхознинг колхозчиси.

Ўрозбоев Асанбой — Ўрта Чирчиқ районидаги «Коммунизм» колхозининг тракторчиси.

Ураметова Шафоқат — Пискент районидаги 1-«Пискент» совхозининг ишчиси.

Ўринбоева Баҳриниса — Бекобод районидаги «Коммунизм» колхозининг колхозчиси.

Усарова Қизилгул — Оҳангарон районидаги Ворошилов номли совхоз ишчиси.

Усмонова Қутбиниса — Пискент районидаги «Гулистон» колхозининг колхозчиси.

Усмонова Анор— Бекобод районидаги Ленин номли колхознинг колхозчиси.

Утегенова Каромат — Янгийўл районидаги Калинин номли колхознинг колхозчиси.

Хўжаметова Набира — Оржоникидзе районидаги «Правда» колхозининг колхозчиси.

Ҳожиматов Турсунбой — Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг сувчиси.

Ҳайитова Зиёфат — Бўка районидаги партия XIX съезди номли колхознинг колхозчиси.

Ҳолпетов Содиқ — Қуйи Чирчиқ районидаги Ҳамза номли колхоз бригадири.

Ҳамдамова Қаноат Абдураимовна — Бўка районидаги Ҳамза номли колхознинг колхозчиси.

Ҳамроев Эрмон — Бўка районидаги «Ленинизм» колхозининг сувчиси.

Ҳатамова Пампух — Пискент районидаги 1-«Пискент» совхозининг ишчиси.

Ҳошимов Садир — Янгийўл районидаги Свердлов номли совхоз ишчиси.

Ҳикматов Турғун — Калинин районидаги Калинин номли колхоз бригадири.

Ҳисматов Тимур — «Ўзсельхозтехника» Ўрта Чирчиқ район бирлашмасининг электр-газ пайвандчиси.

Ҳожиева Мавжуда — Калинин районидаги Карл Маркс номли колхознинг сут соғувчиси.

Ҳолтоев Ботир — Юқори Чирчиқ районидаги «Коммуна» колхозининг тракторчиси.

Худойқулова Мордихол — Чиноз районидаги партия XXIV съезди номли совхоз сут соғувчиси.

Ҳасанов Норхўжа — Қуйи Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз бригадири.

Цой Валентин — Қуйи Чирчиқ районидаги Дмитров номли колхоз бригадири.

Чеснокова Лидия Васильевна— Оҳангарон районидаги «Ғаллақудуқ» совхозининг чўчқабоқари.

Чиннева Гулсўн — Оҳангарон районидаги Ворошилов номли совхознинг сут соғувчиси.

Чинов Бек — Бўка районидаги Фрунзе номли колхознинг колхозчиси.

Чориев Темир — Бўка районидаги «Ленинобод» колхозининг бригадири.

Шамсиев Абдуназар — Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз бригадири.

Шохатамов Асқар — Юқори Чирчиқ районидаги «Юқори Чирчиқ» совхозининг молбоқари.

Шевцова Надежда Егоровна — чорвачилик илмий-текшириш институти «Красний водопад» тажриба базасининг бузоқбоқари. Оржоникидзе район.

Шерматов Гулмат — Бўстонлиқ районидаги «Қизилту» колхозининг тракторчиси.

Шин Гим Не — Қуйи Чирчиқ районидаги «Заря коммунизма» колхозининг колхозчиси.

Ширкитбоева Жамил — Калинин районидаги «Москва» колхозининг ишчиси.

Шораҳимов Баҳром — Калинин районидаги «Назарбек» совхозининг бригадири.

Эгамбердиева Равшан — Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли колхознинг колхозчиси.

Элмуротов Қўрдош — Бекобод районидаги 4-«Далварзин» совхозининг бригадири.

Эминова Раиса Алексеевна — Оржоникидзе районидаги Тошкент паррандачилик фабрикасининг паррандабоқари.

Эргашев Азизқул — Бекобод районидаги «Победа» колхозининг механизатори.

Эрматов Турсунбой — Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг звено бошлиғи.

Йўлдошева Тожихон — Бекобод районидаги 2-«Далварзин» совхозининг сут соғувчиси.

Йўлчиев Карим — Оҳангарон районидаги «Октябрь» совхозининг бригадири.

Юсупова Умржон — Бўстонлиқ районидаги «Правда» газетасининг 50 йиллиги» совхозининг ишчиси.

Юсупов Абдуғани — Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхознинг колхозчиси.

Ялгашев Отақул — Бекобод районидаги Ойбек номли совхоз бригадири.

(Давоми бор).

(Боши газетамизнинг 11, 12 март сонларида).

КЎЧАТ ЭКИНГ, БОҒ ҚИЛИНГ

БОҒЛАР — ЎЛКАМИЗ ЧИРОЙИ

Инсон ва боғ. Боғбон ва табиат. Инсон боғ яратади, қўриқ ерни ясантиради. Ота-бободларимизнинг мўйсафид тарих саҳифасидан оша асрлар бўйи яшаб келаётган «бир жойдан бўлак жойга кетишга мажбур бўлганингда ҳам боғ қилиб кет», деган насиҳати бежиз айтилмаган. Боғ — инсон номининг барқарорлигига гувоҳ ўлароқ ҳамиша яшнаб, гуллаб, одамларни ўзига чорлаб туради. Унинг меваси ҳар гал танаввул қилинганда экканга, тарбият қилганга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, пири-бадавлатлик тилаб қолинади, «отасига раҳмат» деб қўшиб қўйилади.

Боғбонлар дорилфунунининг до но раҳбари — академик Рихард Рихардевич Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик, виночилик илмий-текшириш институтининг директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маҳмуд Мирзаевич Мирзаев билан шулар тўғрисида суҳбатлашиб ўтирибмиз. Унинг ҳамиша боғ-роғлар иси уфуриб турадиган кенг, ёруғ кабинетига анвойи узум, мевалар, винолардан намуналар қўйилган. Хилма-хил китоблар, брошюралар, мақолалар тўплами тахлоғлиқ. Институтнинг шонли етмиш беш йиллиги муносабати билан тақдим этилган мукофотлар, олтмишдан ортиқ ҳар хил дипломлар коллектив халқимиз, диққат-эътиборида, партия ва ҳукуматимиз раҳнамолигида катта ишларни бажараётганлигидан далолат бериб турибди.

Маҳмуд Мирзаевич олтиндек товланиб турган сояки магиз, ғалвирак ёнғоқ, бодом, қирмизи олмалар уйилган тарелкаларни столга қўяди.

— Марҳамат, ўз боғимиздан, — дейди у мулойим жилмайиб.— Бу магиз ўн олти соатда қуритилган.... Ҳа, янги усул топганмиз. Илмий ходимларимиздан Рустам Ризаев билан Иван Александрович Куртов ўртоқлар то. пишди бу усулни. Илгари ҳафталаб узум ёйиб юрардик. Бу тарика қуритилган магизга чанг-чунг ёпишганини айтмайсизми...

Касбга меҳр-муҳаббат, уни улуғлашга бўлган ҳаракат-интилиш, боғ-роғлар сатхини кенгайтириш иштиёқи билан яшаш, курашиш, янгича, ижодий меҳнат жараёнига сингиб кетган Маҳмуд Мирзаевич республикада, шу жумладан Тошкент областида боғ ҳамда узумзорларни кенгайтириш йўлида қилинаётган ишлар хусусида сўзлайди:

— Кейинги ўн йилни кўздан кечирайлик...

Кўз олдимизда республика боғлар харитаси намоён бўлади. Ўлкамизга чиптa ямоқ бўлиб ётган Мирзачўлда мева-узум етиштирадиган совхозлар, Бўстонлиқ, Паркентни ўраб турган тоғлар бағридаги айланма супаларда барпо этилган мевазорлар. Қарши чўллари бағрига ҳаёт уфириб босиб бораётган боғ-роғлар, Шеробод чўлларини янги либос билан ясантираётган анорзор, бодомзор, олмазорлар...

— Жанубий Сурхон сув омбори яқинида Бандихон массиви деган дашт бўларкан. Бу сўзнинг луғовий маъноси, тарихий аҳамияти билан қизиқиб кўрмадим, аммо «Бандихон» дейилиши ёқмади, давом этди Маҳмуд Мирзаевич. — Шунинг ўрнига «Бодомхон» массиви деб аташ, қўлимиздан келмайдими? Келади! Техника бор, билимдон боғбонлар етарли. Ишга киришиб кетдик. Анор, ток, бодом, хурмо, унаби кўчатлари ўтқазилди. Тўғри, дастлаб осон бўлмади. Кўчатларни бочкада сув ташиб суғордик. Шу боғлар майдони ҳозир 400 гектарга етказилди, нишонага 100 тонна турли хил мева олдик. Бу ерда боғлар 1500 гектарга қулоч ёзиб боради.

Республика партия ва ҳукумати боғбонлар, бу соҳадаги мутахассис ҳамда олимлар олдига катта вазифа қўйганлар. Шу белгиланган тадбирга кўра 1975 йилда боғлар 195,8 минг гектарга, узумзорлар 67,5 минг гектарга етказилади.

— Бу улуғвор ва масъулиятли вазифа, — таъкидлайди Маҳмуд Мирзаевич. — Боғлар, узумзорлар майдонини кенгайтириш — кўчат ўтқазиш, қаламча қилишнинг ўзигина эмас. Бу ишнинг бошланиши. Экишдан кўра уни кўкартириш кўпроқ масъулиятли, у қунт-чидамни, энг муҳими аниқ шу ишга ҳақиқий ҳавасни талаб этади. Экилган кўчат — дунёга келган фарзанд. Ардоқлаб парвариш қилингандагина, унинг ҳосилидан баҳраманд бўлиш мумкин. Хонаси келганда кўпдан бери дилни қитиқлаб юрган бир тартибот тўғрисида айтиб ўтишга тўғри келади.

— Ҳар йили кўкламда, кузда мевали дарахт кўчатлари, пилачилик учун тут ўтқазилади. Колхоз, совхозлар аввал районга «Фалон минг туп кўчат ўтқаздик», деб маълумот юборадилар. Ундан кейин шу маълумот областга кетади. Мажлислардаги докладларда, маърузаларда, ҳисоботларда ўша рақам алоҳида виқор билан таъкидланади, қайд этилади. Агар жойларга бориб кўрсангиз (албатта ҳамма ерда эмас) кўчатларнинг ўттиз, қирқ, эллик, жуда кўп деганда олтмиш процентга кўкартириб олинган бўлади.

Бизнингча мевали, тут дарахтлари, ток кўчатларининг қанча ўтказилганига қараб эмас, кўкартириб олиганинга қараб ҳисоб-китоб юритилса, шу томони назарда тутилиб маълумот бериладиган тартиб қўлланилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Боғларда, токзорларда ҳам кўчатларнинг нормал қалинликда бўлишига эришиш катта роль ўйнайди. Шундай ҳўжаликлар борки, фалон гектар ерда боғ, токзор бор, дейилади, лекин ҳосилга келганда гектар баракаси бўлмайди. Бундай боғлар тўғрисида «Қарасанг боғ, қарамасанг юрагингга доғ» дейиш, ўринлидир. Деҳқон ҳосил кўчатдан чиқишини билади, у ҳамма вақт гектарда кўчатини ростлаш учун курашади. Токзор ва боғларда ҳам бунга албатта амал қилиш зарур.

Маҳмуд Мирзаевич мисол келтиради: Қўйи Чирчиқ районидаги «Огонёк» совхози, Калинин районидаги «Ленин йўли», Фарғона область Олтиариқ районидаги «Ленинград» колхозларида, Самарқанд областидаги 1-«Булунғур» узумчилик-боғдорчилик совхозларида гектарларда кўчатларнинг тўлиқ бўлишига жиддий эътибор берилаётгани, узумзор, боғлар парваришига чинакамига катта аҳамиятли иш деб қаралаётгани сабабли гектаридан 180—200 центнердан, ҳатто ундан ҳам ошириб ҳосил олинаётир.

Хўш, ҳамма жойда ҳам аҳвол шундайми?

Фактларга мурожаат қилайлик. Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхозида 7 гектар токзор бор. 7 гектар майдондан оқилона фойдаланиладиган бўлса катта даромад келтириши мумкин. Ундан кейин шу маълумот областга кетади. Мажлислардаги докладларда, маърузаларда, ҳисоботларда ўша рақам алоҳида виқор билан таъкидланади, қайд этилади. Агар жойларга бориб кўрсангиз (албатта ҳамма ерда эмас) кўчатларнинг ўттиз, қирқ, эллик, жуда кўп деганда олтмиш центнердан, ҳатто ундан ҳам ошириб ҳосил олинаётир.

Хўш, ҳамма жойда ҳам аҳвол шундайми?

Фактларга мурожаат қилайлик. Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхозида 7 гектар токзор бор. 7 гектар майдондан оқилона фойдаланиладиган бўлса катта даромад келтириши мумкин. Ундан кейин шу маълумот областга кетади. Мажлислардаги докладларда, маърузаларда, ҳисоботларда ўша рақам алоҳида виқор билан таъкидланади, қайд этилади. Агар жойларга бориб кўрсангиз (албатта ҳамма ерда эмас) кўчатларнинг ўттиз, қирқ, эллик, жуда кўп деганда олтмиш центнердан, ҳатто ундан ҳам ошириб ҳосил олинаётир.

Хўш, ҳамма жойда ҳам аҳвол шундайми?

Фактларга мурожаат қилайлик. Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхозида 7 гектар токзор бор. 7 гектар майдондан оқилона фойдаланиладиган бўлса катта даромад келтириши мумкин. Ундан кейин шу маълумот областга кетади. Мажлислардаги докладларда, маърузаларда, ҳисоботларда ўша рақам алоҳида виқор билан таъкидланади, қайд этилади. Агар жойларга бориб кўрсангиз (албатта ҳамма ерда эмас) кўчатларнинг ўттиз, қирқ, эллик, жуда кўп деганда олтмиш центнердан, ҳатто ундан ҳам ошириб ҳосил олинаётир.

Хўш, ҳамма жойда ҳам аҳвол шундайми?

Фактларга мурожаат қилайлик. Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхозида 7 гектар токзор бор. 7 гектар майдондан оқилона фойдаланиладиган бўлса катта даромад келтириши мумкин. Ундан кейин шу маълумот областга кетади. Мажлислардаги докладларда, маърузаларда, ҳисоботларда ўша рақам алоҳида виқор билан таъкидланади, қайд этилади. Агар жойларга бориб кўрсангиз (албатта ҳамма ерда эмас) кўчатларнинг ўттиз, қирқ, эллик, жуда кўп деганда олтмиш

Боғдорчилик соҳасида кўпгина хўжаликларда аҳволнинг талаб даражасида эмаслигига яна шу нарса сабаб бўлмоқдаки, мевазорлар майда бўлакларга бўлиниб ташланган. 0,5—0,7 гектарли боғлар ҳамон кўпгина хўжаликларда учрайди. Масалан, область колхозларидаги 7741 гектар боғ 956 бўлакка бўлинган. Хўш, бундай боғларда ишни қандай қилиб механизациялаштириб, ихтисослаштириб бўлади, одамларнинг ишлаши учун қулай шароит яратиб бўладими?!

1974—1975 йил кузги-қишки мавсумда областда янгидан 385 гектар боғ ташкил этиш кўзда тутилган эди. Шундан 230 гектари кўзда, 155 гектари кўкламда бажарилиши мўлжалланган. Ана шу топшириқ сўзсиз бажарилишини талаб қилиш, агар бажарилмай қолган бўлса бу камчиликни кўкламда тузатиш чораларини кўриш зарур эканлигига район, колхоз-совхоз раҳбарларининг эътиборини жалб этиш керак.

Боғдорчилик ва узумчиликда юқори кўрсаткичларга эришаётган хўжаликлар билан бир қаторда бу соҳага панжа орасидан қараётган, уни иккинчи, учинчи ўринга суриб қўяётган, узумни еб, боғидаги ишни яхшилашни унутиб қўйган колхоз-совхоз, раҳбарларни санаб ўтдик. Ана сизга фарқ, тафовут! Яна бир марта шуни такрорлаймизки, бундай хўжаликлардаги ўртоқлар наҳот меваси боғ, токзорларни парвариш қилишни билишмаса? Жуда яхши билишади, бироқ улар асосий соҳа — пахтачилик билан бандликларини рўкач қилиб, боғ, токзорларни ташландиқ ҳолга келтириб қўйганлар. Боғлари бўла туриб, бозордан мева, узум сотиб олишни лозим кўрадилар.

Институт лабораторияларида, тажриба далаларида, маслаҳат кенгашларида синовдан ўтган, тўлдирилган, пишиб етилган қўлланмалар сони кейинги ўн йилда 30 дан ошиб кетди. Уларнинг қунт билан ўрганилиши, амалий ишда қўлланилиши ҳосилдорликни кескин оширишда, боғлар ва узумзорларнинг иқтисодий жиҳатдан юқори унумли бўлишини таъминлашда маълум аҳамиятга молик-дир.

Тажриба йўсинида ва амалий равишда олиб борилаётган ишларнинг серқирралигини шу институт мисолида кўрсатиш айниқса характерлидир. Институтнинг ўзида, филиалларида ҳамда тажриба участкаларида илмий ишлар тажрибага боғланган ҳолда амалга оширилади. Соғутпроқ ерларда ҳам, шўр босган, сершағал майдонларда ҳамда тоғ ва тоғ бағрида, субтропик зоналарда ташкил этилган ва этилаётган боғларда ҳосилдорлик йил сайин оши-вор бўлган ОВХ-14 маркали пуркагич аппаратни ишлаб чиқишда бу институт мутахассислари ҳам яқиндан қатнашдилар. Ток ва мевали дарахт кўчатини экадиган ПРВН-2,5 маркали мослама ҳам кўп жойларда кенг қўлланилмоқда.

Юқорида эслатиб ўтилганидек, узумни магиз қилишга кўп вақт сарфланади. Ҳозирги усулга кўра магиз қилиш муддати 3-5 марта қисқартирилди. Бундан ташқари, янги вино навлари яратилмоқда. 1972 йилда Болгарияда бўлиб ўтган халқаро конкурсда шу институтда тайёрланган икки хил вино олтин медаль олишга сазовор бўлди.

Бу хилдаги тавсиялар жорий этилиши туфайли унинг иқтисодий фойда келтириши йилига 3 миллион сўмдан ортиқдир.

— Яқин 7-8 йил давомида,— дейди Маҳмуд Мирзаевич, — республикамизда 1 миллион 500 минг тонна ёки ҳозиргига қараганда икки марта кўп мева ҳамда узум етиштириладиган бўлади. Бунинг учун барча имконият бор. Илгари йилига 4-5 миллион кўчат етиштирилаётган бўлса, ҳозир бу миқдор 18—20 миллионга етказилди. Институт илмий ходимлари республикамиздаги 75 колхоз ва совхозга доимий оталик ёрдами кўрсатиб келмоқда. Бу ишлар амалда бажарилишида институт ходимларидан М. Собиров, С. Шарипов, С. С. Калмаков, Р. Ризаев, И. А. Куртов, А. Афанасьев ва бошқа ўртоқлар катта ижодий-ташкилий иш олиб бормоқдалар.

Ўзбекистон Иттифоқимизнинг «оқ олтин» базаси бўлганлиги билан фахрланамиз. Унинг қаторига «Ўзбекистон боғлар, узумзорлар ватани» деб аталадиган бўлса, шунга ҳақиқатан ҳам эришса олсак, фидокор совет кишилари олдидаги инсоний бурчимизни яна бир карра шарафлаган бўламиз.

Маҳмуд Мирзаевнинг бу гаплари боғбонларимиз дилидаги эзгу ният. Диёримиз хилма-хил, ҳосилдор, мевазор, узумзор боғлар билан яна ҳам ясанса, пахтасидан тўқилган дастурхон шу республика меваси билан тўлиб, мўлкўл қилинса жануб қўйнининг заррин, ҳаётбахш, саҳий нури миллион-миллион кишилар қалбини иситади, мунаввар қилади.

Узумзор ва мевазор боғлар ўлкамиз чиройига яна ҳам гўзал чирой қўшаверсин!

С. МАҲКАМОВ.

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ УЧУН

ДЕҲЛИ, 11 март. (ТАСС). Ҳиндистон ташқи ишлар министри Я. Б. Чаван қуйидагиларни айтди: Ҳиндистон бундан буён ҳам блокларга қўшилмаслик ва тинч-тотув яшаш, ўз қўшнилари билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш сиёсатини изчиллик билан амалга ошираверади. Бу сиёсат, деди у Ҳиндистон парламентида сўзлаган нутқида, замон синовидан ўтди. Министр Ҳиндистоннинг жанубида тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган, Ҳиндистон барча мамлакатлар билан муносабатларни мустаҳкамлаш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва иқтисодий мустақилликка эришиш учун интилмоқда. Бу—Ҳиндистон ташқи сиёсатининг негизидир, деб уқтириб ўтди. Я. Б. Чаван.

Португалия президентининг айтганлари

ЛИССАБОН, 12 март. (ТАСС). Республика президенти, Португалия қуролли кучлари бош штабининг бошлиғи генерал Кошта Гомеш радио орқали аҳолига мурожаат қилди.

«Айрим офицерларнинг сотқинлиги сабабли юз берган контрреволюция авантюрага парашютчиларнинг битта ҳарбий қисми жалб этилиб, бу қисм Лиссабон яқинидаги енгил артиллерия биринчи полки турган жойга ҳужум қилди. Сотқин офицерлар қаллоблик, алдамчилик ва иғвогарлик ёрдами билан солдатлар ва ўзларига бўйсунган бошқа кишиларни эргаштира олдилар ва шу солдатларни қуролдош ўртоқларига қарата ўт очишга мажбур қилдилар», деди Кошта Гомеш.

Президент «вазият равшанлашди ва нормал изга тушяпти», деди. У аҳолини иғвогар агентларнинг найрангларидан огоҳлантирди. Иғвогар агентлар аҳолини гиж-гижлатиб осойишталигини бузишлари, ваҳимага туширишлари, уни ички урушга жалб қилмоқчи бўлиб уринишлари мумкин. Бундай ҳаракатлар Португалияда демократияни тугатишни ўз олдига вазифа қилиб қўйган реакцион кучларнинг ниятларигагина мос келиши мумкин.

Португалия халқи ва қуролли кучлар ҳаракатининг бирлиги шу мусибатли авантюрадан яна бир карра мустаҳкамланиб чиқсин,дейилади президентнинг мурожаатида, Португалия халқи гражданлиқ стуклигини бутун дунёга яна бир карра намойиш қилсин.

СТАЧКА КУРАШИ АВЖ ОЛИБ КЕТДИ

САН-ХОСЕ, 11 март. (ТАСС). Гондураса забастовка ҳаракати кенгайиб бормоқда. Марказий Америкадаги ана шу кичик мамлакатда бир неча кундан буён кўп корхоналарнинг иши тўхтаб қолди ва янги забастовкалар бошланди. Ишчилар иш ҳақининг оширилишини ва меҳнат шароити яхшиланишини талаб қилмоқдалар.

Ахборот агентликларининг Тегусигальпадан хабар бериши ча, маъмурлар иш ташловчиларга қарши армиядан фойдаланмоқдалар. Улар Атлантика соҳилидаги мамлакатнинг асосий саноат маркази бўлган Сан-Педро-Сулада муниципал муассасаларнинг ходимларини қурол кучи билан ишга қайтариш учун уриниб кўрдилар. Ана шу муассасаларнинг ходимлари ўз ўртоқларидан бир группасининг қонунга хилоф суратда ишдан бўшатилишига қарши норозлик билдириб иш ташлаган эдилар. Репрессиялар натижасида бир неча киши жароҳатланди ва неча ўнлаб киши қамоққа олинди.

Қурол кучидан фойдаланиб, зўравонлик қилиш Гондурас меҳнаткашларининг жанговарлик руҳини буколмади: мамлакатнинг бошқа шаҳарларида Сан-Педро-Сула меҳнаткашлари билан бирдамлик забастовкалари давом этмоқда.

МУВАҚҚАТ ҲАРБИЙ МАЪМУРИЙ КОМИТЕТ БАЁНОТИ

АДДИС-АБЕБА, 11 март. (ТАСС). Қуролли кучлар ҳаракати ҳокимиятни чинакам халқ ҳукуматига топшириш учун Эфиопияга раҳбарликни ўз қўлига олди. Муваққат ҳарбий маъмурий комитетнинг бу ерда эълон қилинган баёнотида шу ҳақда гапирилади. Баёнотда қўпорувчи унсурлар томонидан иғвогарлик мақсадида тарқатилаётган овозалар қораланади. Ана шу овозаларга қараганда, ҳарбийлар ҳокимият тепасида абадий қолишга интилаётган эмиш. Муваққат ҳарбий-маъмурий комитет қуйидагиларни таъкидлайди: ҳаммага шу нарса тамомила аёнки, қуролли кучлар эски тартибларни тор-мор келтирмай, ер ислоҳоти ўтказмай туриб, феодализмни тугатмай, халқ оммасининг сиёсий онгини ўстирмай туриб, ярим йўлда қололмайди. Реакциянинг қаршилиги тамомила тугатилиб, эфиопияликлар ўз мамлакатининг тақдирини ўз ҳоҳишларини эркин изҳор қилиш йўли билан ҳал этиш имконятига эга бўлган шароитда халқ вакилларидан иборат ҳукуматни тузиш мумкин. Ҳозирги босқичда, дейилади баёнотда, аҳоли кенг табақаларининг сиёсий активлигига эришиш жуда муҳимдир.



ВАШИНГТОН. «Бизга иш керак», «Онламизни боқиш учун пулимиз йўқ», — АҚШ конгресси биноси олдида бўлиб ўтган оммавий намойишда ишсиз қолган ишчилар ана шундай шиорларни кўтариб келдилар.

Суратда: намойиш қатнашчилари Капитолия деворлари олдида. ЮПИ—ТАСС фотоси.

ДЎСТОНА ҲАМКОРЛИК

КПСС ва Совет давлатининг ҳозирги вақтда ўз мамлакатида кўпгина прогрессив социал-иқтисодий қайта қуришларни амалга ошираётган араб мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорлик сиёсати лениича ташқи сиёсатимизнинг ажралмас қисмидир.

Кейинги вақтларда СССРнинг Миср Араб республикаси, Жазоир Халқ Демократик Республикаси, Ироқ, Сурия, Яман Халқ Демократик Республикалари билан ҳартомонлама ҳамкорлиги анча кенгайди. Бу ҳамкорликда савдо-сотиқ муносабатлари муҳим роль ўйнайди. Фақат сўнгги беш-олти йил ичида мазкур мамлакатлар билан савдо-сотиқ қилиш икки ярим баравара яқин ортди.

Жумладан, 1973 йилда савдо-сотиқ Миср Араб республикаси билан 1968 йилдаги 332 миллион сўмдан 541 миллион сўмга етди ёки 1,6 баравардан зиёд ортди. Шу йиллар ичида Ироқ билан савдо-сотиқ 49,4 миллиондан 332 миллион сўмга етиб 6,5 баравар ортди, Сурия билан эса 57 миллион сўм ўрнига 119 миллион сўмлик савдо-сотиқ қилинди. Жазоир Халқ Демократик Республикаси билан савдо-сотиқ ўтган йиллар ичида 2 баробарга яқин, Яман Халқ Демократик Республикаси билан эса 9 баробар кенгайди. Ҳозирги вақтда СССР, Миср, Ироқ, Суриянинг асосий савдо-сотиқ қилувчи мамлакати бўлиб қолди.

Совет Иттифоқининг бу мамлакатларга чиқараётган моллари улар учун зарур бўлган товарлар, машина ва асбоб ускуналар бўлиб бу маҳсулотлар уларда ҳозирча ишлаб чиқарилаётгани йўқ, ёки мамлакат экономикасини ривожлантириш учун етарли эмас. Бунда қора ва рангли металлар алоҳида ўрин тутади.

Совет Иттифоқи ҳам араб мамлакатларидан халқ хўжалиги учун зарур маҳсулотлар ва истеъмол буюмлари олмоқда. 1968—1973 йилларда СССРнинг бу мамлакатлардан олган товарларининг миқдори 201 миллион сўмдан 553 миллион сўмга етди ёки 2,5 баробардан зиёдроқ ортди. СССР нефть, пахта, шоли, жун каби маҳсулотлар билан бир қаторда айрим саноат моллари, ярим фабрикант маҳсулотларини ҳам олмоқда. Бу маҳсулотларнинг бир қисми совет кредитларини қоплаш ҳисобига берилмоқда.

СССР Миср Араб Республикасидан кўпгина миқдорда газмол, пойафзал, кийим-кечак, трикотаж буюмлари, кўн-атторлик маҳсулотлари, мебель, бадиий-ҳунармандчилик ва бошқа буюмлар олмоқда. Суриядан эса Совет Иттифоқи устки ва ички трикотаж буюмлари, ипак газмоллар, гилам каби тайёр саноат маҳсулотларини импорт қилмоқда.

СССР бу мамлакатлар билан фақат савдо-сотиқ ишларинигина кенгайтириб қолмай, балки уларга муҳим саноат корхоналари, турли хил иншоотлар қуриш, қазилма бойликларни қидириб топиш, қишлоқ хўжалик корхоналарини вужудга келтириш ишларини кенгайтириш, миллий кадрлар тайёрлаб бериш соҳаларида катта ёрдам кўрсатмоқда.

СССРнинг иқтисодий ва техникавий ёрдами билан Миср Араб республикасида Африка қитъасидаги энг йирик иншоот — Асвон сув комплекси қурилди. Миср бу билан йирик энергетик базага эга бўлди, у юзлаб саноат корхоналарини ва бошқа обьектларни электр қуввати билан таъминламоқда. Фақат 1974 йилда бу гидрокомплекс 4,5 миллиард киловатт соат арзон электр қуввати ишлаб чиқарди. Сув омбори 600 минг гектар ерни суғориш имкониятини беради. Суғориладиган ерлар эса ўттиз процентга ортди ва қадимий чанқоқ ерларни сув билан таъминлаш яхшиланди. Шоли, маккажўхори етиштириш бир ярим марта ўсди, бошқа ўсимликлардан эса муттасил ҳосил олиш имконияти яратилди.

СССР ёрдами билан қурилган корхоналар Миср Араб республикасида катта ўрин тутади. Ўтган йил улар мамлакатда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг 50 процентини, чўяннинг 70 проценти ва химия саноати маҳсулотларининг 20 процентга яқинини берди. Бу корхоналар МАРнинг 35 процент нефтини қайта ишлаб берди. Асвон тўғони қуришга сарфланган маблағ ўзини уч марта қоплади ва ҳозирги кунда йилига 200 миллион фунтдан ортиқ фойда келтирмоқда.

ХАЛҚАРО ТЕМАДА

СССРнинг техникавий ёрдами билан мамлакатда қурилаётган Хелван металлургия комплекси мисрликларнинг фахри ҳисобланади. Ўтган йили заводнинг биринчи навбати қурилиб ишга туширилиши билан пўлат ишлаб чиқариш 300 минг тоннадан 900 минг тоннага етди. Унинг иккинчи навбати қуриб битказилиши билан Миср Араб республикаси йилига бир ярим миллион тонна пўлат олишга эришади, бу эса мамлакатнинг пўлатга бўлган эҳтиёжини тўла қондиради. Бу йил йилига 100 минг тонна алюминий ишлаб чиқарадиган Африкада энг катта Нач-хаммади комбинати ишга туширилади. Бу иншоот фақатгина МАРнинг алюминийга бўлган эҳтиёжини қондирибгина қолмай, балки уни экспорт қилишга ҳам имкон беради.

Совет—Миср ҳамкорлигида маҳаллий мутахассис кадрлар тайёрлаш ҳам муҳим ўрин тутади. СССР ёрдами билан мамлакатда қурилган 43 ўқув марказида 86 мингга яқин малакали ишчилар тайёрланади.

Суриянинг СССР билан иқтисодий ҳамкорлиги миллий экономиканй мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда муҳим роль ўйнамоқда.

Совет Иттифоқининг иқтисодий ёрдами билан Сурияда анчагина нефть конлари қидириб топилди ва давлат секторида миллий нефть қазиб олиш саноати барпо этилди.

СССР билан Сурия ўртасидаги иқтисодий ва техникавий ҳамкорликнинг муҳим қурилишлари Яқин Шарқдаги энг йирик қурилишлардан бири бўлган Евфрат сув электр комплексидир. Бу қурилишга сурияликлар катта умид боғламоқдалар: у мамлакат саноати ва қишлоқ хўжалигини кенг ривожлантиришга асос бўлади, деб қарамоқдалар. Евфрат комплекси ишга туширилиши билан электр қуввати ишлаб чиқариш икки баробар ортади, 600 минг гектардан ортиқ ерни суғориш имконияти яратилади, бу эса пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш имконини беради.

Суриянинг темир-йўл тармоғини ривожлантириш ва реконструкциялашда ҳам СССР кўп йиллардан буён иқтисодий ва техникавий ёрдам бериб келмоқда. СССР ёрдами билан мамлакатда ҳаммаси бўлиб 1400 километрга яқин темир йўл қурилди ва қурилиш мўлжалланган бўлиб, бу мамлакатнинг деярли барча территориясини темир йўл билан боғлаш имконини беради.

Суриянинг учун муҳим бўлган ирригация-мелиорация ишларини кенгайтиришда, азот ўғитлари заводини қуришда ҳам СССР дўстлик қўлини чўзмоқда.

СССР билан Ироқ ўртасида 15 йилдан буён иқтисодий ва техникавий алоқалар кенгайиб келмоқда. Бу алоқалар халқ хўжалигининг турли тармоқларини ўз ичига олади. Нефть ва уни қайта ишловчи саноатни, электрэнергетика, транспорт ва алоқа, қишлоқ хўжалиги ва ирригация, геология разведка ишларини кенгайтириш, малакали кадрлар тайёрлашда, халқ хўжалигини планлаштириш ва бошқа кўпгина соҳаларда СССР Ироққа катта ёрдам бермоқда.

СССР Ироқда электротехника, шиша корхонаси, қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи, тўқимачилик комбинати, пайпоқ-трикотаж фабрикаси, фармацевтика заводи ва темир йўл қуришда, йирик электр системаларини барпо қилишда ва миллий қадрлар тайёрлашда катта ёрдам бермоқда.

Ҳозирги вақтда СССР ёрдами билан Миср, Жазоир, Ироқ ва Яманда 370 та турли хил халқ хўжалик объектлари қурилди ва қурилмоқда. Бу объектлар шу мамлакатлар давлат секторини мустаҳкамлашда кенг имконият яратмоқда.

СССРнинг иқтисодий ва техникавий ёрдами билан араб мамлакатларида қурилаётган халқ хўжалик объектлари уларнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев бундай ўзаро дўстона ҳамкорлигига баҳо бериб шундай деган эди: «Бир қанча араб мамлакатлари билан муносабатларимиз кенгайди ва ҳартомонлама муносабатлар бўлиб қолди. Воқеаларнинг бутун бориши шуни кўрсатиб турибдики, Совет Иттифоқи билан дўстлик тараққийпарвар араб давлатлари бошига тушган энг қийин пайтларда уларга зарур мадад ва ёрдам беришни таъминлайди».

СССРнинг араб мамлакатлари билан иқтисодий ва техникавий ҳамкорлиги ўзаро манфаатли асосга қурилган бўлиб, КПСС XXIV съезди қарорларига, партия ва Совет давлатининг тинчлик сиёсатига мос бўлиб тушади.

Ю. ИУЛДОШЕВ.
иқтисод фанлари кандидати.

МАХСУС ТОПШИРИҚ

Чилонзордаги республика экспериментал мактаб-интернати педагог ва ўқувчилари Буюк Ғалабанинг 30 йиллиги олдидан катта тайёргарлик ишларини олиб бормоқдалар.

Бу ишларнинг ҳаммасига илмий бўлим мудири Нурилла ака Турсунқулов бош-қош. Унинг бевосита иштироки билан мактабда Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ҳаётидан ҳикоя қилувчи махсус бурчак ташкил қилинди. Энди жанг воқеалари стендларда ўз ифодасини топаяпти.

Нурилла аканинг ўзи ветеран жангчи бўлганлиги учун ҳам Ватан озодлиги учун курашган қуролдошлари жасоратини пропаганда қилишга алоҳида эътибор бераяпти. Нурилла ака Совет Армияси сафида хизмат қилаётган пайтида уруш бошланиб қолган эди. Шу бўйи у жангга кириб кетди. Днестр дарёси қирғоғидаги қонли жанг ҳали-ҳали унинг ҳаёлидан нари кетмайди.

— Махсус топшириқ бор, — деди командир Нурилла Турсунқуловни чақириб. — Ўқдори ортилган 12 та машинани Николаев области орқали Запорожьега олиб бориш керак. Сиз бўлинмага командирсиз. Йигитларингиз билан шу операцияни бажарасиз.

Нурилла ўз йигитларига топшириқни тушунтирди. Қош қорая бошлаганда улар йўлга тушишди. Орадан бирор соат ўтмай душман машиналар колоннасини пайқаб қолди. Самолётлар қузғундек шўнғиб, машинадаги солдатларни ўққа тутмоқчи бўлди. Шу пайтда Нурилланинг йигитлари кунгабоқарлар ўсиб ётган кенг далага яқинлашиб қолишган эди.

— Машиналар кунгабоқарлар ичига бурилсин, — команда берди у шоферларга.

Жангчилар дарҳол машиналарни кунгабоқарлар билан ўраб, душман кўзини чалғитишди. Кўкдаги самолётлар яна бир-икки чарх урди-ю, аммо нишонни пайқай олмай аллақаёққа ғойиб бўлди. Бу пайтда тун ўз чодирини ёйбошлаган эди. Эрта саҳарда машиналар омон-эсон манзилга етиб келди.

Шу операцияни муваффақиятли якунлагани учун Нурилла Турсунқулов биринчи марта «Жанговар хизматлари учун» медали билан тақдирланди.

Жанглар давом этарди. Сержант Нурилла Турсунқулов Днепропетровск шаҳрини озод қилишда ажойиб мардлик намунасини кўрсатди. У узилган симларни усталик билан улаб, кенг фронт бўйлаб бир неча кун мустаҳкам алоқа ўрнатиб турди. Лекин кузатиш маркази билан олдинги линия алоқасини боғлаётган бир пайтда қаттиқ яраланиб, госпиталга тушиб қолди.

Урушнинг сўнгги йилларида Нурилла ака кўпроқ жангчи кадрлар тайёрлаш билан банд бўлди. Ўз билимларини бўлажак жангчиларга ўргатди.

Нурилла Турсунқулов урушдан қайтгач, ўз ҳаётини ёшлар тарбиясига бахш этди. Ҳозир у педагог сифатида катта обрў қозонган. Ўтган йили унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвони берилди. Моҳир мураббий ўқувчилар орасида бўлганда ёшларга фронт лавҳаларидан қизиқарли ҳикоялар сўзлаб бермоқда.

О. НИЕЗОВ.
жамоатчи мухбир.

ТОВОҚСОЙЛИК Мўмин Саломов Улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатган мардлиги ва жасорати учун «Шуҳрат» орденининг тўла кавалери бўлган.

Суратда: «Шуҳрат» ордени**нинг тўла кавалери Мўмин Саломов.**

И. Портнов фотоси.

ШИФОКОРЛАР—ҒАЛАБАГА

Мамлакатимиз катта тарихий санага қизғин тараддуд кўрмоқда: Совет халқи шу йил 9 майда гитлерчилар Германияси устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 30 йиллигини нишонлайди. Ҳамма ерда Буюк Ғалаба шарафига меҳнат мусобакаси авж олган.

— Барча совет халқи, мамлакатимизнинг фидокор барча шифокорлари қаторида бизнинг поликлиникамиз ходимлари ҳам Буюк Ғалаба шарафига давом этаётган мусобақанинг олдинги сафларида боришмоқда, — дейди Киров районидаги 31-поликлиника бош врачи Ғани Мавлонов. Шифокорларимиз ўз ҳамкасбларининг оғир уруш йилларидаги жанговар анъаналарини тинч меҳнат жабҳасида муносиб равишда давом эттиришмоқда.

Инсон ҳақида ғамхўрлик — социалистик жамиятимизнинг энг олий қонунидир. Совет кишисининг ҳаёти, соғ-саломатлиги ҳамма нарсадан азиз ва муқаддасдир. Улар саломатлигини муҳофаза этиш биз, шифокорлар зиммасига юклатилган. Ана шу шарафли бурчга содиқ қолиш барчамиздан катта масъулият ва нечоғлиқ ғайрат-шижоат кўрсатиб ишлашни талаб этади. Даҳшатли уруш алангалари ичида кишини ҳайратга солувчи ажойиб қаҳрамонликлар кўрсатган ҳамкасб ака ва опаларимиз номини бу кун яна эсга оламиз, уларнинг матонатини доим ёдда сақлаймиз.

Уруш халқимиз бошига не-не кулфатлар солмади, дейсиз. Кўплар уруш жароҳатларидан ҳамон халос бўлолган эмас, улар доим ғамхўр ва меҳрибон шифокорлар ёрдамига муҳтожлар. Жонажон партия ва ҳукуматимиз уруш ветеранлари ва инвалидлар учун барча имтиёзларни яратиб берганлар. Ўзи мамлакатимизнинг ҳамма шифохоналарида бепул даволанадилар, дори дармонларни арзон нархларда сотиб оладилар, меҳнатда уларга кўпдан-кўп енгилликлар туғдириб берилган.

Поликлиникамизда 152 Улуғ Ватан уруши инвалиди ҳисобда туради. Уларга ҳамма мутахассисликдаги врачларимиз навбатсиз хизмат кўрсатишмоқда. Оғир бетобларга бевосита уйларида медицина хизмати кўрсатилмоқда. Биринчи группа инвалидларини бепул аптечкалар билан таъминлаётгирмиз. Поликлиникамиз шифокорлари инвалидларга хизмат кўрсатишни янада яхшилаш юзасидан янги тадбирлар белгилаб чиқдилар.

Поликлиникамизда анча-муна Улуғ Ватан уруши қатнашчилари меҳнат қилишади. Фельдшерлар А. Қорабоев, А. Умаров ва медицина ҳамшираси С. Знаменскаялар шулар жумласиндандир. Уруш йиллари фронтда жасорат кўрсатган бу кишилар тинч меҳнат жабҳасида ҳам чиғанам, фидокорлик кўрсатиб ишлашмоқда.

Коллективимизда Буюк Ғалабани муносиб кутиб олиш юзасидан конкрет тадбирлар белгилаб чиқилган. Яқинда клубимизда Улуғ Ватан уруши қатнашчилари билан учрашув ўтказилди. Учрашувга поликлиникамизда даволанаётган юздан ортиқ уруш ветеранлари ва инвалидлар ташриф буюришди. Бу ерга тўпланган кишилар бир неча қизиқарли лекциялар тинглашди, Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг ўзаро қизғин суҳбатларида иштирок этишди. Ветеранларнинг оловли йиллар ҳақидаги ҳикоялари барчада катта таассурот қолдирди.

Шифохонамизда Ватан уруши қатнашчилари билан яна бир қанча учрашувлар, суҳбатлар ўтказилади. Ҳозир байрамни нишонлаш комиссияси аъзолари Ватан уруши иштирокчилари бўлган поликлиникамиз шифокорлари ҳақида махсус стендлар тайёрламоқдалар.

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ.

ЯНГИ КИТОБЛАР

МАОРИФИМИЗ ТАРИХИ ОЧЕРКЛАРИ

Коммунистик партия ва Совет давлатимиз доҳийнинг маданий революция ҳақидаги буюк ғояларини амалга ошириб, ленинча миллий снёсатни изчиллик билан ўтказиб, мамлакатимизда шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятнинг кенг ва ҳар тарафлама ривожланишига бағишланган истиқболлар очиб берди. Хусусан, Ўзбекистонда тараққиётнинг капиталистик йўли четлаб ўтилиб, бевосита социализм қурилди ҳамда мазкур тарихий жараёнда ленинча маданий революция ғоялари тантана қилди.

Яқинда «Ўқитувчи» нашриёти чоп этган Э. Қ. Қодировнинг монографияси («Очерки развития общеобразовательной школы Советского Узбекистана», Ташкент, 1974) да ҳам республикамизда ленинча миллий снёсатнинг халқ маорифи соҳасида амалга оширилиши тарихи босқичма-босқич таҳлил қилинган, Улуғ Октябрдан то бизнинг кунларимизгача умум таълим мактабимизнинг ярим асрдан кўпроқ вақт давомидаги босиб ўтган йўли ёритилган.

Китобнинг дастлабки бўлимида Ўзбекистондаги миллатларни маърифатли қилиш борасида ленинча ғояларни амалга оширишнинг социал-иқтисодий шарт-шароитлари баён этилади.

Шундан кейинги боблар социализм қурилиши йилларида республикамиз халқ маорифининг улкан одимлар билан ривожланишига бағишланган.

Ана шу даврда (1930—1940 йиллар) бутун мамлакатимизда саводсизликни тугатиш ишлари охирига етказилиб, умумий мажбурий бошланғич таълимга ўтилди. Ўзбекистон халқ маорифи ҳам катта муваффақиятларга эришди. Агар 1929—1930 ўқув йилида жами 2720 мактабда 192,6 минг ўқувчи ўқиган бўлса, 1940—1941 ўқув йилига келиб мактаблар сони 4838 га етиб, уларда 1263,6 минг ўқувчи ўқиган.

Иккинчи бўлимда 1941—1958 йилларда халқ маорифимизнинг равнақи ёритилади.

Улуғ Ватан уруши даврида умумий таълим ишининг қайта қурилиши, урушдан кейинги даврда бу соҳада амалга оширилган тадбирлар, умумий мажбурий етти йиллик таълимга ўтилиши ва шу муносабат билан ўқув-тарбия ишларининг мазмунан такомиллашуви масалалари китобда кўплаб мисоллар ёрдамида баён этилган.

60-йиллар бошларига келиб халқ маорифимизда муҳим сифат ўзгаришлари содир бўлди. Шу даврларда партия ва ҳукуматимиз мактабнинг ҳаёт билан алоқасини мустаҳкамлаш борасида қарорлар қабул қилди. Давлатимиз мактаб ҳақида Қонун қабул қилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шунга мувофиқ ўрта таълим саккиз йиллик умумий меҳнат политехника мактаби 11 йиллик ишлаб чиқариш таълими (кейинчалик ўн йиллик таълимга ўтилди) ҳамда кечки ва ўрта махсус билим юртлари орқали амалга оширила бошланди. Китобнинг иккинчи бўлимида мактаб ҳақидаги Қонуннинг республикамизда амалга оширилиши, шу даврда мактаб таълими мазмунининг такомиллашуви, ўқув-тарбия ишларининг қайта қурилиши масалалари ёритиб берилади.

Шундан кейинги йилларда (1966—1970 йиллар) Ўзбекистонда ҳам саккиз йиллиқ умумий таълимга ўтиш тугалланиб, мактабларнинг моддий техника базаси мустаҳкамланди, педагогик кадрлар тайёрлаш, улар малакасини ошириш борасида катта ишлар қилинди. Шу муносабат билан муаллиф республикамизда мактаб таълими умумий принципларини таърифлайди.

КПСС XXIV съезди қарорларида, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг ёшларнинг умумий мажбурий ўрта таълимга ўтишини тугаллаш ва умумий таълим мактабини янада ривожлантириш ҳақидаги қарорида фан-техника революцияси даврида Совет мактаби истиқболлари белгилаб берилди, унинг зиммасига мазмунан янгича талаблар қўйилди. Жамиятимиз ўрта мактаб зиммасига эндиликда кишиларимиз малакасини янада ошириш ва маълумотли қилишнигина эмас, балки уларда юксак ахлоқий-маънавий сифатларни қарор топтира бориш вазифасини ҳам қўймоқда. Шу муносабат билан китобда кейинги беш йил мобайнида ўрта мактабни ривожлантиришнинг баъзи актуал масалаларига эътибор берилган.

Муаллиф республикамиз халқ маорифи тарихи очеркларини яратишда жуда кўп материалларни тўплаб, таҳлил қилиб, умумлаштирган, бунинг учун партия ва маориф архивларидан кенг фойдаланган.

И. СУЛТОНОВ.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Спорт

ФИДЕ ФИШЕРГА ЁН БОСМОҚДА

Фишер шахмат тожини кийганидан сўнг турнирларда қатнашиш у ёқда турсин ҳатто одамлар кўзига ҳам кўринмай қўйди. Ёлғон бўлмасин уни икки марта — Нью-Йорк шаҳрининг собиқ мэри Д. Линдсей ҳузурида ва телевизион кўрсатувлардан бирида кўришган экан. Жаҳон чемпионининг бу «ғалати» ишларини кўпгина танийли шахматчи ва мутахассислар янги старт олдидан бўладиган қўрқув, деб шарҳлаган эдилар. Дарвоқе бугун даъвогар олдига, ФИДЕга қўяётган мантиқсиз янги-янги талабларн ўз дўстларига ҳам ёқмаяпти.

Америкалик гросмейстернинг бу талабларн тўғрисида унинг ватандоши, танийли шахматчи Роберт Бирн бундай деган эди: «Фишер қўяётган талаблар менга мутлақо ёқмайди. Агар унинг финал матчидаги ўйинлар миқдорини чекламаслик ҳақидаги таклифи инобатга олинса, учрашув жуда чўзилиб кетади. Бундай узоқ давом этадиган матч ким ҳақиқий кучли шахматчи эканлигини аниқлаб бера олмайди. Чемпионнинг 9:9 ҳисобида ўз унвонини сақлаб қолиш тўғрисидаги даъвоси ҳам ҳеч ақлга сиғмайди».

Чиндан ҳам, Фишер даъвогарга катта талаб қўйяпти. Карпов Фишерни камида икки очко фарқ билан таслим қилиши керак эмиш. Ваҳоланки, чемпионнинг ўзи ҳам бундай шароитда юксак унвонни қўлга киритаолмаган бўларди.

Жаҳон шахмат федерациясининг президенти М. Эйве 32 миллий федерация таклифига биноан 18 мартда Нидерландиянинг Бергенеан—Зе шаҳрида ФИДЕнинг навбатдан ташқари конгресси чақирилишини маълум қилди. Ҳозир бутун шахмат дунёсининг диққат-эътибори ана шу конгрессга қаратилган.

Айрим давлатлар миллий шахмат федерациялари бу конгрессни чақириш тўғрисидаги қарорга эришгунча оз-мунча тер тўкмади. Бу федерациялар ва океан ортидаги баъзи шахмат арбоблари ФИДЕнинг Ницца шаҳрида бўлган конгресси қарорларини ревизия қилишга уринмоқдалар. Уларнинг ниятлари қандай бўлмасин Фишер учун қулай имконият яратиб бершдан иборатдир.

Фишер тарафдорларнинг навбатдан ташқари конгресс чақиришга уринишлари бошланиши билан СССР, Югославия, Польша, Болгария ва бошқа бир қатор мамлакатлар федерацилари бунга қарши чиқдилар. Лекин шунга қарамай 32 давлат миллий шахмат федерацияси бу конгрессни чақиришни ёқлаб чиқди. Энди конгресс чемпиони ва даъвогар ўртасидаги учрашув шартларини қайта кўриб чиқади.

Карпов билан Фишер ўртасидаги матч Эйве кўрсатмасига биноан Манилада ўтиши матбуотда эълон қилинган эди. Бу борада ҳам президент Эйве яна америкалик гроссмейстерга ён босди. Маълумки, чемпион матч ўтказиладиган шаҳарлардан жуда катта пул талаб этганидан сўнг даъвогар шаҳарлар сони ғоятда камайиб кетди. Матчни ўтказишни атиги уч шаҳар ўз зиммасига олишга тайёр эканлигини билдирди. Лекин тез орада Мехико ўз таклифини қайтиб олди. Фишер — Карпов учрашувини ўзларида ўтказишга фақат Манила ва Милан шаҳарларигина розилик билдирди.

Карпов иқлими Манилага кўра озгина бўлса ҳам мўътадилроқ ҳисобланган Милан шаҳрини танлади. Фишер эса ҳатто ФИДЕга юборилган телеграммага имзо чеккани йўқ. Унинг ўрнига Америка шахмат федерацияси телеграмма юбориб, Фишер Манилада ўйнаш истагида эканлигини билдирди.

Албатта, Миланга нисбатан жуда катта пул ваъда қилган Филиппин ороллари пойтахтининг Фишер томонидан танланиши табиий эди. Чемпион шахмат оламидаги ғолибона юришини айнан шу шаҳардан бошлаган. Бунинг устига, Рейкявикдаги матчдан сўнг Фишер дўстлари ҳузурига Манила шаҳрига бир-икки бориб келди. Шу тариқа кейинчалик Фишер — Карпов матчининг 1 июлга кўчирилганлиги маълум бўлди.

— Матч 1 июлда бошланишини эшитиб, жуда ажабландим,—дейди собиқ чемпион Т. Петросян. — Бу учрашув унда жуда узоқ чўзилади. Шахматчилар ёзнинг жазирама иссиғида қандай ўйнаша оларкин. Регламент бўйича мусобақа қулай обо-ҳаво шароитида ўтиши керак эди. Шу нуқтаи-назардан қараганда ҳам Маниланинг жазирама иссиғи учрашувга ҳалақит беради.

Шахмат жамоатчилиги навбатдан ташқари конгресс иш бошлашини зўр диққат билан кутмоқда. ФИДЕ ва унинг президенти М. Эйве ниҳоят бирор дурустроқ қарорга келишлари керак. Жаҳон чемпиони Фишернинг ўзи ҳам ҳар хил шартлардан воз кечиб рақибга чинакам спортчилардек муносабатда бўлиши лозим.

А. АБДУЛЛАЕВ.

МУСОБАКАЛАР, УЧРАШУВЛАР

НИҲОЯТ ҒАЛАБА

Жаҳон чемпионлигига даъвогарлик қилаётган Ирина Левитина ва Нана Александрия ўртасидаги бахс узоқ давом этди. Улар олдин белгиланган 12 партиягача тенг курашдилар. Сўнг қўшимча партиялар бошланди. Учрашувларнинг ҳар бири кескин спорт кураши билан ўтди. Ҳар иккала рақиб ҳам жаҳон чемпиони Нона Гаприндашвили билан юзма-юз учрашиш ниятида бор куч ва имкониятларни сарф этдилар.

Ниҳоят 17-партия ҳам бошланди. Бу гал Нана Александрия ҳаракати бошқача бўлди. У бор санъатини ишга солиб ниҳоят ғалабага эришди. Энди у жаҳон чемпиони Нона Гаприндашвили билан куч синашади.

ЯНГИ РЕКОРДЛАР

Буюк ғалабанинг 30 йиллиги ва Ўзбекистон Комсомолининг 50 йиллиги шарафига «Комсомолец Узбекистана» газетаси совғини учун Митрофанов номли сув спорти саройида ўтказилган анъанавий мусобақа тўрт кун давом этди. Мусобақалар давомида республиканинг янги рекордлари қўйилди.

Ўсмирлар ўртасида «Локомотив» кўнгилли спорт жамияти аъзоси Н. Лягин 100 метрга баттерфляй усулида сузиш бўйича республиканинг янги рекордини қўйди. «Меҳнат» вакили И. Сухороков эса 200 метрга брасс усулида сузишда республика рекордини янгилади. Армиячи К. Анисимов 100 метрлн масофага брасс усулда сузишда биринчи бўлиб етиб келиб, спорт мастери нормасини бажарди.

Мусобақада муваффақиятли қатнашган «Меҳнат» кўнгилли спорт жамиятининг сузувчилари газета совғинини қўлга киритдилар.

ФИНИШ ЯКИН

Республика шахмат-шашка клуби залида ҳозир бир йўла икки чемпионат давом этмоқда. Эркак ва аёл шахматчиларнинг бу республика чемпионати давомида СССР халқлари VI спартакиадаси мусобақаларида қатнашувчи спортчилар маълум бўлади.

Эркак шахматчилар чемпионати ниҳоясига етмоқда. 12 турдан сўнг ангренлик шахматчи Левон Григорьян чемпионат пешқадами бўлиб турибди.

Аёллар ўртасидаги чемпионат эса яримлаб қолди. Республика чемпиони, мастерликка номзод Л. Гольдман турнирга карвонбошилик қилаяпти. У тўрт турда тўртта ғалабага эришди.

РЕКЛАМА • ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.40 Мультфильм. 18.50 — Сенинг замондошинг. 19.15 — «Ахборот». 19.30 — Миллионлар ленинча университети (Москва). 20.00 — Нафосат оламида. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Ўн минут музика. 21.00 — Қишлоқ хўжалиги ходимлари учун кўрсатув. 21.15 — Концерт. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Ассалом, қаҳрамон шаҳар (Одесса телевидениесининг программаси). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.25 — ТОШКЕНТ. 11.30 — Ўқув кўрсатувлари. 18.30 — МОСКВА. 19.00 Янгиликлар. 19.15 — Қувноқ нотолар. 19.30 — Стартга тайёрмиз (Тошкент). 20.00 — Концерт. 20.50 — Юрканинг келажаги (3-серия). 22.00 — Қишлоғимиз қиёфаси (Тошкент). 22.30 —Узингни (синаб кўр. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.25 — ТОШКЕНТ. 19.30 — Қизиқарли математика. 20.10 — Музиқали кўрсатув. 20.55 — Тошкент янгиликлари. 21.05 — Паролнинг ҳожати йўқ (бадиий фильмнинг 1-серияси).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 13/III да **Кармен**, 14/III да **Травиата**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/III да **Оқшомдан тушгача**, 14/III-да **Абу Райҳон Беруний**, 15/III-да **Лукаш ботир**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/III да **Трибунал**, (19.00). 14/III да **Беш кунлик куёв** (17.00), 15/III да **Ташвишланманг, онажон** (10.00), **Трибунал** (15.00). 4

КИНО

Миллионни қандай ўғирлаш керак? — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «ВОСТОК», «МОСКВА», «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Бева аёлга совға — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», (кундуз ва кечқурун).

Нега бу ҳол рўй берди? — «ҚОЗОҒИСТОН» (жуфт соатларда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Бороро қабиласининг сири — «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда).

ЎРТА ЧИРЧИҚ КОЛХОЗЛАРАРО ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА

3, 4, 5 разрядли қурилиш ишчилари — ғишт терувчилар, дурадгорлар, сувоқчилар, арматурачилар

КЕРАК

Меҳнат ҳақи ишбай, аккордмукофотли, ишнинг кўчма характерлиги учун 30 процент қўшимча ҳақ тўланади.

Ёлғизлар ётоқхона билан, оилаликлар эса, бир ойда квартира билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тўйтепа шаҳри, Ўрта Чирчиқ райони, Колхозлараро қурилиш бошқармаси.

УЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА

Т Е З К У Н Д А Я Н Г И С П Е К Т А К Л Ь

У. ҲОШИМОВ асари

«ХАЗОН БЎЛГАН БАҲОР»

2 пардали драма.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Киров кўчаси, 11-уй)

14 МАРТДАН

БАҲОРГИ МАВСУМ ОЧИЛАДИ

МАНЕЖДА

КАТТА ҲАР ХИЛ ПРОГРАММАДА

«ЛЎЛИЛАР» АТТРАКЦИОНИ

Томошалар соат 17.30 да; шанба куни соат 15.00 ва 17.30 да; якшанба куни соат 12.30, 15.00, 17.30 да бошланади.

Касса эрталаб соат 10.00 дан очиқ.

ОБУНАЧИЛАР, КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ҲАМДА КУТУБХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

Саноат, фан ва маданият халқаро ҳаёт соҳасидаги энг муҳим воқеалар тўғрисида «ФОТОИНФОРМАЦИЯ»

НАШРИГА

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Индекс 70043.

Обуна 1975 йилнинг навбатдаги исталган ойида қабул қилинади.

ОБУНА БАҲОСИ:

1 ойга — 1 сўм 20 тийин;
3 ойга — 3 сўм 60 тийин;
6 ойга — 7 сўм 20 тийин;
12 ойга — 14 сўм 40 тийин.

СОЮЗПЕЧАТЬ бошқармаси.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и облисполкома

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26. ТЕЛЕФОНЛАР Коммутатор — 330249 дан 330258 гача.

Эълонлар — 338142.

Р. — 01278 Узбекистан Компартияси Марказий Комитетининг матбуот бинасида босмахонаси Тошкент шаҳри. Индекс 64634 Б—2460